

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
«ТАБИЁТ ФАНЛАРИ» ФАКУЛЬТЕТИ
«ГЕОГРАФИЯ ВА УНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ» КАФЕДРАСИ

“Ҳимояга рухсат этилсин”

Факультет декани

_____ Е. Юзликаева

« ____ » _____ 2014 йил

5140500-«География ва иқтисодий билим асослари» таълим йўналиши
кундузги бўлим 402-гуруҳ талабаси

Холбоев Элузар Бурхонивичнинг

“Тоғ минтақаси геотизимларидан самарали фойдаланиш ва уни
такомиллаштириш” мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: «География

ва уни ўқитиш методикаси»

кафедраси доценти, г.ф.н.

_____ А.Н. Хожиматов

«Ҳимояга тавсия этилсин»

«География ва уни ўқитиш

методикаси» кафедраси мудири

_____ г.ф.н. доц. Н.Р.Алимқулов

« ____ » _____ 2014 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I бoб. ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ МИНТАҚАЛАРИ ГЕОТИЗИМЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	7
1.1. Тоғ ва тоғолди минтақалари: шаклланиши ҳамда геоморфологик хусусиятлари.....	7
1.2. Тоғ ва текислик геотизимларининг ўзаро боғлиқлиги.....	14
1.3. Тоғ ва тоғолди ҳудудларининг экологик – иқтисодий барқарор ривожланишидаги муаммолари.....	24
II бoб. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ МИНТАҚАЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ – ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТДАГИ ЎРНИ ВА УЛАР САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШ.....	31
2.1. Тоғ ва тоғолди минтақаларининг ижтимоий – иқтисодий тараққиётидаги ўрни.....	31
2.2. Тоғ ва тоғолди минтақаларидаги иқтисодий салоҳият ва ҳудудларда инфратузилма тизимини ривожлантириш.....	40
2.3. Минтақаларининг рекреатсион имкониятлари, улардан фойдаланиш истиқболи.....	42
III бoб.ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ МИНТАҚАЛАРИДАГИ АНТРОПОГЕН ЎЗГАРИШЛАРНИ БОШҚАРИШ, ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	58
3.1. Тоғ ва тоғолди минтақаларига антропоген таъсир: сабаб ва оқибатлари.....	58
3.2. Тоғ ва тоғолди минтақаларидаги табиий – антропоген жараёнлар ва уларни олдини олиш чоралари.....	64
3.3. Ислохотларнинг ҳозирги босқичида „Тоғ дастури“нинг зарурати..	72
ХУЛОСА.....	77
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ.....	79

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирда дунё миқёсидаги экологик муаммолар билан бирга маълум бир жой – ҳудудлар учун тегишли бўлган минтақавий экологик муаммолар сони ҳам, миқёси ҳам тобора кўпайиб бормоқда. Улар шу жойларнинг ўзига хос табиий шароитлари, мавжуд ресурслардан кўп жиҳатдан нотўғри фойдаланиш, саноат чиқиндиларининг атмосфера ва сув ҳавзаларига ҳаддан ташқари кўп миқдорда чиқарилиши, ер, сув ва яйловлардан тартибсиз фойдаланиш оқибатида келиб чиқмоқда.

Мустақиллигимизнинг ўтган давлари мобайнида мамлакатимизда экологик муаммоларни ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш, олдини олиш борасида муайян тажрибалар ортирилди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов таъбири билан айтганда: “Агарки ҳар қайси инсон, бу уй меники, бу шаҳар меники, бу юрт меники, у қандай обод бўлса – бу менинг баҳтим ва бойлигим, деган фикр билан яшаса, биз мақсад-муддаоларимизга шунчалик тезроқ етамиз”¹.

Демак, сизу-бизга узоқ-узоқлардан кўриниб турган баланд-паст тоғлар ҳам бизнинг “уйимиз”, чунки шу тоғлар бўлмаганда, табиатимиз қай таризда бўлишини бўлишини тасаввур қилиб кўринг.

2013 йил мамлакатимизда 3 млн 360 минг тоннадан ортиқ пахта, 7 млн 800 минг тонна ғалла, 8,4 млн тоннадан ортиқ сабзавот маҳсулотлари йиғиб-териб олинганлиги, умуман қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш 6,8 %га ўсди². Ана шундай маҳсулотлар етиштиришда тоғларнинг ҳам улкан хиссаси бор.

Ўзбекистон Республикаси президентининг 2013 йил 14 февралдаги қарорига мувофиқ қабул қилинган “Обод турмуш йили” Давлат дастурида

¹Каримов И.А. “Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди”. –Т.: Ўзбекистон, Т. 13, 2005. 257-б.

² Каримов И.А. “2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурларимизнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси” //Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.

хам қишлоқ хўжалик корхоналарини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашга доир чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, 6,7 минг гектар майдонда янги боғлар, 3,5 минг гектар майдонда интенсив боғлар, 6,8 минг гектар майдонда токзорлар яратиш ва мавжудларини реконструкция қилиш орқали 15 минг нафар қишлоқ аҳолисини боғдорчилик фаолиятига жалб этиш режалаштирилмоқда. Бунинг учун 95,2 млрд. сўм йўналтирилади³. Буларнинг салмоқли қисми тоғ ва тоғолди минтақаларида амалга оширилишига ишончимиз комил. Шундан келиб чиқсак, мавзунинг ўта долзарблиги ўз-ўзидан намоён бўлади.

Битирув малакавий иши (БМИ)нинг объекти. Ўзбекистоннинг тоғ ва тоғолди минтақалари геотизимлари.

БМИнинг предмети эса, тоғ ва тоғолди минтақалари геотизимларидан самарали фойдаланиш ва уни янада такомиллаштириш ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг мақсади. Асосан тоғ ва тоғолди минтақаси геотизимларидан янада самарали фойдаланишга эришиш йўллариини такомиллаштириш.

БМИнинг вазифалари, ишнинг мақсадидан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар ечилди:

- тоғ ва текислик ўртасидаги ўзаро алоқадорлик қонуниятлари ўрганилди;
- тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги мавжуд экологик муаммолар таҳлил қилинди;
- минтақанинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ўрни аниқланди;
- минтақанинг иқтисодий-рекреацион салоҳияти баҳоланди;

³ Дастурнинг асосий мақсади – халқ фаравонлигини янада юксалтириш. //Халқ сўзи, 2013 йил 27 февраль.

– тоғ ва тоғолди минтақаларида табиий-антропоген жараёнларининг вужудга келиш сабаб-оқибатлари ва уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилди:

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиздаги тоғ ва тоғолди табиат мажмуаларини географик жиҳатдан ўрганишда Ақромов З.М., Абдулқосимов А.А., Алибеков Л.А., Баратов П.Б., Рўзийев А., Ваҳобов Ҳ.В., Жумаев Т., Зокиров Ш.З., Маматқулов М., Маматов А.М., Рафиқов А., Ҳалимов Р.Ҳ. ва бошқалар кўплаб тадқиқот ишлари олиб боришган. Уларнинг тадқиқотлари долзарб масалаларга: жумладан тоғ ва тоғолди табиатини ўрганишда тизимли ёндошувга, тоғ-кон саноатини барпо этишда табиий шароитларнинг ўзгариш хусусиятларига, табиий географик жараёнларни ўрганишда муҳандис геоморфологик жиҳатларга, антропоген жараёнларни аэрокосмик фотосуратлар асосида ўрганиш масалаларига, тоғ ва тоғолди табиатидан фойдаланишнинг табиий ва иқтисодий тамойилларига ҳамда экологик ва геоэкологик жиҳатдан баҳолаш ва башорат қилишга қаритилган. Шунингдек, тадқиқот ишларида кўпроқ аниқ бир табиий компонент, маълум бир жараён ва ходисалар ҳамда инсон таъсири натижасида вужудга келган оқибатларга кўпроқ эътибор қаритилган.

БМИнинг назарий ва услубий асослари. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг асарлари, нутқлари, фармон ва қарорлари ҳамда Олий Мажлис томонидан чиқарилган қонунлар, Ҳукумат қарорлари, меъёрий ҳужжатлар ва бошқа йўриқлар назарий асос ҳисобланади. Қатор маҳаллий ва хорижий мутасадди олим ва мутахассисларнинг тажрибалари илмий асос сифатида қабул қилинган.

БМИнинг илмий янгилиги тоғ ва текислик геотизимлари ўртасидаги ўзаро боғлиқ қонуниятларини аниқлаш, уларнинг иқтисодий-рекреацион салоҳиятини таҳлили кабилардир.

БМИнинг амалий аҳамияти беқиёс бўлиб, уни амалиётга татбиқ этилиши тоғ ва тоғолди минтақаларидаги мавжуд экологик вазиятни оптималлаштиради. Шунингдек, БМИдан “Иқтисодий-ижтимоий география”, “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш”, “Туризм географияси” фанларини ўқитишда манба сифатида фойдаланиш мумкин.

БМИнинг тузилмасида Кириш, 3 та боб, 9 та кичик боб (бўлим), хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова қисмлари мавжуд. Ишда тегишли расм, жадваллар берилган.

Киришда ишнинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари акс этган.

Биринчи боб мавзуни ўрганишнинг назарий асосларига бағишланган.

Иккинчи бобда Ўзбекистоннинг тоғ ва тоғолди минтақаларининг иқтисодий-рекреацион салоҳияти, улардан фойдаланиш ва истикболлари ёритилган.

Учинчи бобда минтақадаги антропоген ўзгаришларни бошқариш, минтақа табиатидан оқилона фойдаланиш стратегияси ва уни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари баён этилган.

Хулоса ва таклифларда мавзу юзасидан фикрлар жамланган ва таклифлар ўртага ташланган.

I бoб. ТOҒ ВA ТOҒOЛДИ МИНТАҚАЛАРИ ГЕОТИЗИМЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Тоғ ва тоғолди минтақалари: шаклланиши ҳамда геоморфологик хусусиятлари

Тоғлар-ер юзасининг теvarак-атрофидаги текисликлар устидан баланд кўтарилиб турадиган қисмлари бўлиб, Ернинг ички ва ташқи кучлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар натижасида уларнинг морфологик хусусиятлари ўзгариб туради. У кучларнинг қайси бири устун келишига қараб, тоғларнинг рельефи кўтарилиб ёки пасайиб боради. Тоғлар тектоник кўтарилишлар туфайли «ўсади»; эрозия натижасида эса чуқур сойликлар, даралар ҳосил бўлади, ёнбағирлар, ўткир чўққилар вужудга келади, емирилган маҳсулотлар ёнбағирда, кўпроқ тоғолдида тўпланади, баъзи бир ҳолларда анча узоқроқдаги жойларда етқизилади. Ташқи омиллар сабабли тоғлар пасая боради, чўқиндилар тўпланади, рельеф шакллари текисланади.

Ер юзида тарқалган тоғлар, баландликлари, рельеф хусусиятлари, келиб чиқиши, геологик ва морфологик ёшидан ташқари, қайси ҳудудда жойлашганлиги ва эгаллаган майдони билан ҳам ажралиб туради. Жумладан: мураккаб ва хилма-хил табиатга эга бўлган Республикамиз ҳудудининг салмоқли қисми кўпроғи тоғ ва тоғолди адирларидан иборатдир.

Тоғ ва тоғолди ҳудудлари ўзига хос геотизимдан иборат бўлиб, вақт ўтиши билан барқарор ёки беқарор ҳолатда бўлиши, албатта қайси минтақа ва минтақада, қандай иқлим шароитида жойлашганлиги, ўзига хос морфологик тузилиши, жинсларнинг таркиби, компонентларининг ўзаро боғлиқлиги ва бир бутунлиги, ижтимоий омилларнинг таъсир кучи билан чамбарчас боғлиқ. Маълум геотизимга эга бўлган тоғ ва тоғолди ҳудудларининг ўзгаришига худди географик қобик ва ландшафт сферасининг тараққиёти ва ўзгариши ҳамда уларнинг динамик ривожланишига таъсир этгани каби, табиий, биоген ва антропоген омиллар катта таъсир кўрсатиб

келмокда. Бирок, бу омиллар орасида, айниқса илмий - техника тараққиёти даврида, тоғ ва тоғолди табиатининг сезиларли даражада ўзгаришига, табиий манбаларга қараганда, инсон омилининг кучли таъсири ҳамма ҳодиса ва жараёнларда кузатилмокда.

Шунинг учун ҳам ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тоғ ва тоғолди табиатига инсон омилининг таъсири ва натижада бу табиат мажмуасидаги тараққиёт, ўзгариш, вужудга келган салбий оқибатларни олдини олиш ва яхшилаш ҳамда табиат ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган илмий-амалий тадқиқот ишар сезиларли даражада ортиб борди.

Бирок, бу ишлар қанчалик ижобий бўлмасин республикамиз тоғ ва тоғолди табиатини, унинг ўзига хос хусусиятарини табиий ва иқтисодий географик жиҳатдан, ҳудудийлик, мажмуалилик ва бир бутунлик нуқтаи назаридан етарли даражада ўрганиб бўлинган деб айта олмаймиз.

Бизнингча, тоғ ва тоғолди геотизимини ўрганишда уларининг табиий геотизимлигини, улардаги ҳар бир ўзгариш боғлиқ ҳолда бир-бирига таъсир этишлигини ҳисобга олишликни тақозо этади. Улардаги табиий мувозанатнинг бузилиши сабабларини аниқ белгилаш, баҳолаш ва башорат қилиш лозим. Тадқиқот ишларида тоғ-кон саноати, деҳқончилик ва чорвачилик, турли хилдаги транспорт йўллари қуриш ва электр ўзаткич линияларини барпо этиш билан боғлиқ бўлган табиий ва ижтимоий ўзгаришларни аниқ ўрганиш зарур.

Собиқ иттифоқ даврида Ўрта Осиё ҳудудида геологик, геоморфологик ва табиий географик тадқиқотларнинг асосий вазифаси маълумотлар йиғиш ва уларни бирор тизимга (система)га солиш бўлган.

Бозор муносабатлари даврида аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, жойларда ижтимоий инфратузилмани шакллантириш минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Истиқлолдан кейинги давр мобайнида республика хўжалик тузилмасида туб ўзгаришлар содир бўлиб, барча соҳаларда асрга татиғулик ишлар амалга оширилди. Шаҳар ва қишлоқларда бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган замонавий корхоналар, ракобатбардош ишлаб чиқариш жараёнлари вужудга келмокда.

Ҳозирги кундаги жиддий ўзгаришлар мамлакат миллий иқтисодиётнинг тизимини янгидан барпо этиш, аҳолини моддий ва маънавий талабларини кондиришдек муҳим масалани долзарб қилиб қўйди. Уларнинг ҳал этилишини ғоят зарурлиги ҳусусан аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда янада яққол сезилади. Шу боис аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий инфратузилма тизимини яратиш тоғ ва тоғолди минтақалари учун ҳам муҳим муаммодир.

Фарғона иқтисодий районининг ҳудуди асосан адирлар ҳамда қўшни Қирғизистон Республикасига туташ тоғликлардан иборат. Ушбу минтақанинг хўжалиги ва аҳолиси кўпроқ тоғолди районларда, айниқса тоғлар орасидан оқиб чиққан сойлар бўйида ва уларнинг қуйи қисмида жойлашган. Бу ердаги асосий муҳим автомобиль ва темир йўллар ҳам айнан ана шу ҳудудларни халқасимон тарзда боғлаб туради.

Андижон вилоятининг тахминан 33-35 фоиз ҳудудини денгиз сатҳидан 500 м баландликда бўлган тоғолди ва тоғликлар ташқил этади. Андижон шаҳрининг шарқий қисмида Тешиктош, Асака, Қораадир каби унча баланд бўлмаган тоғлар вилоятнинг жануби-шарқий қисмидаги Булоқбоши, Марҳамат, Жалолқудук ва Хўжаобод туманларини бошқа ҳудудлардан ажратиб туради. Нисбатан баланд тоғлар эса Хўжаобод туманининг энг жанубида бўлиб, унинг энг баланд нуқтаси 1545 метрга етади.

Кўрилаётган ҳудуд транспорт тўрлари билап яхши таъминланган. Асосий давлат ва халқаро аҳамиятга эга бўлган йўллар Андижон шаҳридан тарқалиб Қирғизистоннинг Ўш шаҳри йўналишида яна йиғилади. Темир йўл

Андижонни Жалолобод билан боғлайди. Туман марказлари Охунбобоев, Қўрғонтепа, Хонобод ҳамда Қорасув шаҳарлари темир йўлида, Марҳамат, Булоқбоши, Ойим, Қиличмозор, Жанубий Оламушук, Султонобод каби шаҳар ва шаҳарчалар, йирик қишлоқлар ҳам транспорт инфратузилмаси билан яхши таъминланган. Бироқ, шунга қарамасдан, баланд тоғлар ва чекка ҳудудларда ички транспорт тизимини ривожлантириш талаб этилади.

Аҳоли зичлиги вилоятнинг бошқа ҳудудларидан пастроқ бўлсада, у айрим жойларда (масалан, Булоқбоши томонида) 1 кв. км.га 500 кишигача етади. Табиийки, бундай шароитдан аҳоли турмуш даражасини, соғлиқни сақлаш, умумий таълим, бандлик, тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланиш сингари мезонлар белгилаб беради. Албатта, бу мезонлар республикамиз қишлоқ жойларида турлича хусусиятларга эга эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Жумладан, аҳоли зич яшайдиган Андижон вилоятининг тоғ ва тоғолди ҳудудларида ҳам юқорида таъкидлаб ўтилган муаммолар мавжуд.

Вилоятдаги демографик вазият таҳлили шуни кўрсатадики, жами аҳолининг 70 фоизга яқини қишлоқ жойларда истиқомат қилади. Ер ресурслари чекланган бундай ҳудудда аҳолини уй-жой билан таъминлашдек долзарб масала юзага келади.

Таъкидлаш жоизки, вилоятнинг тоғолди минтақаларида жойлашган туманлар билан бошқа текислик ҳудудлардаги туманлар инфратузилмаси орасидаги жиддий тафовут кўзга ташланмайди. Масалан, аҳолини уй-жой билан таъминланиши вилоят бўйича ўртача 9,6 кв.м.га тенг бўлса, бу курсаткич Булоқбоши туманида 7,1, Марҳамат туманида ҳам бундан мустасно эмас. Ҳудудининг ўртача баландлиги кўрсаткичларидан келиб чиқиб, шартли равишда, агар вилоятнинг Олтинсой, Денов, Сариосиё ва Узун туманларини тоғолди ҳамда Бойсун туманини тоғ минтақаларида жойлашган деб ҳисоблайдиган бўлсак, вилоят макроиқтисодиёт ва статистика бошқармаси маълумотларига кўра, улар ҳиссасига юқоридагиларга мос

равишда 29,2 ва 0,7 фоиз жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари тўғри келади, ҳолос.

Минтақанинг географик имкониятлари ва бозор муносабатларига ўтиш шароитлари туфайли якин келажакда вилоятнинг мазкур ҳудудларида ундирувчи саноат тармоқлар билан бир қаторда тайёр истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган саноат тармоқларининг нисбатан тезроқ ривожланиши кутилади.

Ўзбекистон тоғлари инсон қадим замонлардан буён яшаб, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиб келган энг қадимий қароргоҳлардан ҳисобланади. Археологик ва тарихий маълумотлар тоғларда қадимдан узумчилик, боғдорчилик, ғаллачилик, чорвачилик ривожланганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон бойликлари ҳақида сўз кетганда, унинг тоғлари ҳам тилга олинади. Республикамизнинг шарқий қисмини эгаллаган, осмонўпар тоғлар бағрида бир неча асрлардан буён яшириниб ётган хилма-хил бойликлар ҳозирда халқимизга хизмат қилмоқда.

Тоғли ўлкаларнинг турли табиий бойликларидан фойдаланиш даражаси йилдан-йилга ортиб бормоқда. Тоғ ёнбағирлари бугунги кунда республиканинг йирик кўп тармоқли қишлоқ хўжалиги базаларига айлантирилди. Мамлакат ҳудудининг 96 минг км² қисмини эгаллаган тоғли ҳудудларда 2,5 млн киши яшаб келмоқда. Шундай қилиб, тоғли ҳудудларни хўжалик жиҳатидан ўзлаштириш кўп тармоқли бўлиб, унинг асосий йўналишларидан бири тоғ қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ҳажми кўп жиҳатдан фойдаланаётган ерларнинг майдони, экинлар нисбати, ҳайдаладиган ерлар ва яйловларнинг сифати билан белгиланади. Умуман олганда қишлоқ хўжалик ерларининг салмоғи тоғлик ҳудудларда нинимал, обикор минтақада эса максимал кўрсаткичга эга. Бу кескин фарқлар ер ва тупроқ унумдорлигининг

худудий тафовутлари ҳамда уларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш учун яроқлилиқ даражалари билан изоланади.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнлари табиий шароитининг ўзгариши билан узвий боғланган. Табиий шароити ва ресурслари ғоят хилма-хил ва ўзгарувчан бўлган тоғ шароитида ишлаб чиқариш кучларини тўғри жойлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистоннинг тоғли ўлкалари қуйи географик кенгликларда океанлардан узоқда ва материк ички қисмида жойлашганлигидан иқлими асосан континенталдир. Тоғли ўлкалардан текисликка хос иқлимнинг баъзи бир хусусиятлари, масалан, континенталик, йиллик ва суткалик ҳарорат амплитудаларининг катталиги, ҳавонинг қуруқлиги, қуёш нурининг ўткирлиги ва унинг таъсири каби хусусиятлари бор. Тоғли ўлкаларда бўладиган бу иқлимий хусусиятлари жойнинг баландлиги ва рельефнинг хилма-хиллиги сабабчидир.

Рельеф қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига бевосита таъсир кўрсатади. Чунки, рельеф тоғ табиий шароитининг асосий характерини белгилаб беради. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар, қишлоқ хўжалиги машиналаридан фойдаланиш, яйловларни сув билан таъминлаш кабилар рельефга бевосита боғлиқ.

Кўпчилик тоғли ўлкаларда иқлимнинг тоғларга хос бошқа хусусиятлари ҳам (чунончи, булутли кунларнинг кўплиги, қорнинг узоқ вақт ётиши, ёкинларнинг кўплиги, ҳароратнинг пас бўлиши ва бошқалар) бор. Ўзбекистон тоғларида ҳарорат жойни баландлигига қараб ўзгаради, умуман юқори кўтарилган сайин ҳаво исиб боради.

Шу билан бир қаторда тоғ табиий шарот ва ресурсларидан фойдаланиш кўп жиҳатдан меҳнат ресурслари, малакали кадрлар мавжудлиги ва воситалари билан қуролланиш даражасига ҳам боғлиқ. Тоғларни ўзлаштириш, уларнинг табиий, меҳнат ва иқтисодий ресурсларидан

фойдаланиш даражаси ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида янада кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Ҳудудларнинг табиий бойликлари иқтисодиёт соҳаларини уйғун ривожлантиришга, улардан оқилона ва самарали фойдаланишни амалга оширишга, атроф-муҳитни мусоффо сақлашга, аҳолини мўл-кўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан мунтазама таъминлашга шарт-шароит яратади. Бироқ, кўпгина бир турдаги бойликларни ишга солиш бошқа турдаги бойликларнинг нес-нобуд бўлишига, сифатининг пасайишига олиб келади. Бу ҳол, албатта, бойликлардан, фойдаланиш усуллари ва йўллари чуқурроқ асосланмаганлиги билан изоҳланади.

Лекин, бу туманларда аҳолининг табиий ўсишини вилоят ўртача кўрсаткичидан юқорилиги уй-жой муаммосини янада кескинлаштиради.

Ҳар 10 минг аҳолига бемор ўринлари билан таъминланиш Қўрғонтепа ва Марҳамат туманларида (68, 62 та) вилоят ўртача кўрсаткичидан юқори бўлса, Хўжаобод ва Булоқбоши туманларида унинг анча пастлигини кўришимиз мумкин (36 ва 50 та). Ҳар 100 минг аҳоли сонига касалланиш вилоят бўйича 47 минг кишини ташқил этса, у Хўжаобод туманида 20,2, Марҳаматда-49,3 минг кишига тенг (2010 й.). Бундай вазият кўрилаётган туманларда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан яхшилаш чора-тадбирларини қўллаш зарурлигини кўрсатади. Зеро, соғлом муҳитни яратиш жамиятимизнинг маънавий юксалишида муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, қишлоқ ёшларини иш билан, аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан, аҳоли манзилгоҳларини сифатли транспорт йўллари ва воситалари билан таъминлашда ҳам зарурий чоралар кўрилиши даркор. Ушбу муаммоларнинг ҳал этилиши қишлоқ туманларида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Қишлоқ жойларда агросаноат мажмуини, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш керак. Айни

вақтда, бундай ҳудудларда замонавий кичик корхоналарнинг қурилиши, аҳолига хизмат қилувчи инфратузилмани шакллантириш кўп жиҳатдан транспорт тури ва тизимига ҳам боғлиқ. Шунинг учун ҳам республикамизнинг олиббораётган минтақавийсиёсатида юқорида кўрсатиб ўтилган муаммолар бартараф этилиши қишлоқларимизни обод бўлишига устуворлик берилмоқда.

1.2. Тоғ ва текислик геотизимларининг ўзаро боғлиқлиги

Ҳозирги вақтда Ўрта Осиёда инсон хўжалик фаолияти унинг йирик табиий мажмуалари геотизимларида содир бўлаётган жараёнларга таъсир этиб, тоғ-текислик тизимларининг аниқ (реал) мавжудлигини, яъни тоғ ва текисликнинг бевосита алоқада ва таъсирда эканлигини кўрсатмоқда. Экологлар, географлар ва бир-бирига яқин бўлган билим соҳалари томонидан тўпланган, проф.Л.Алибековнинг кўп йиллик текширишлари ва тўпланган материаллари асосида геопара «тоғ-текислик» қўшалок «геомажмуа»лари ҳақида табиий-географик тушунча ишлаб чиқилган ва жорий этилган (таклиф этилган). Геопара – қўшалок табиий географик мажмуалар турли даражада «баланд тоғ-текислик», «ўртача тоғ-текислик», «паст тоғ-текисликлар», қўшни табиий-ҳудудий мажмуалар тизими (системаси) бўлиб, келиб чиқишининг умумийлиги ҳозирги модда ва энергия алмашинуви жараёнларининг умумийлиги билан боғлангандир.

Тоғ-текислик қўшалок геомажмуаларни текшириш предмети ва услубу. Геопара тоғ ва текисликнинг ҳудудий йиғиндиси бўлиб, унда қарама-қарши табиий-ҳудудий мажмуалар бевосита ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсирнинг борлиги билан бир бутун тизим сифатида ривожланади ва шаклланади. Геопаранинг умумий мавжудлигининг асоси бўлиб ландшафт қобиғидаги кенг кўламдаги тектоник ва текислик ўртасида кўчишидан ва алмашилишидан иборат бўлади. Геопара концепциясига биноан, тоғ ва

текисликлар қарама-қарши (тоғдан текисликка, текисликдан тоққа) йўналган модда, энергия ва информациялари алмашилиши билан бирлашган. Таклиф этилган услубнинг ўзига хос хусусияти тоғ-текисликнинг ўзаро таъсир этиш жараёнларининг кўрсаткичларини ёки хусусиятларини акс эттирадиган ҳар хил табиий компонентларни танлаб олиш йўли билан ўзаро боғлиқлик жараёнларини (пировордида, модда ва энергиянинг ҳаракатини) ўзаро боғлиқликда таҳлил қилишдан иборат бўлади. Натижада, тоғ ва текислик ўртасида чўзилган сабаб-оқибат боғлиқликларининг узун занжирини тузиш мумкин.

Тоғ ва текислик ландшафтларининг ўзаро боғлиқлик механизмларини текшириш ва уни чуқур таҳлил қилиш шундай мунтазамликда (кетма-кетликда) ўтказилади: омил-жараён-маҳсулот (натижа). Бунда биз омил сифатида тоғ ва текислик (яъни геопарада йўналтирувчи омил бўлиб рельефдаги фарқлар хизмат қилади); жараён - улар ўртасида модда ва энергия ташишини таҳлил қилганимизда намоён бўлади. Маҳсулот, натижа эса, ҳар хил шакллардаги аккумуляциялар (тўпланишлар, ётқизиклар), бу жараённинг тоғдан олиб чиққан конуссимон чиқиндилари, ер ости сувининг ер юзига чиқиш жойидаги шўрхоклари, маҳаллий шамоллар таъсирининг натижасида тўпланган қумлар ва бошқа кўринишдаги оқибатидир (яқунидир). Натижада тоғ ва текислик ўртасида чўзилган узвий алоқаларнинг сабаб-оқибат занжирини тузиш мумкин бўлади.

Ўрта Осиё тоғ ва текисликларидаги тўғри ва тескари алоқаларни сақлаб туришда асосий ролни моддаларнинг айланиб юриши ўйнаганлиги ўрнатилди. Л. Алибеков географик циклар ғоясини ривожлантиришга уриниб Ўрта Осиёнинг ўзига хос орографик шароитига боғлиқ ҳолда маконда унга хос бўлган моддалар айланиб юриши ва унинг шаклланиш қонуниятини очишга ҳаракат қилди. Ҳозирга қадар тўпланган ва мавжуд маълумотлар Ўрта Осиё тоғ ва текисликларини бир бутун яхлит боғлаб турувчи моддалар

алмашилиб туришининг биринчи маротаба умумий миқдорини баҳолаш имконини бери. Унда ҳаво оқимларининг ҳаракат қалинлиги қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$M = P \cdot h \cdot V \cdot n \cdot L$$

M - умумий ҳаражат, т/йил


P - муаллақ ҳавонинг ўртача зичлиги, г/м³

h - ер юзасидаги ҳаво қатламининг баландлиги, м

V - ер юзаси ҳавосида шамолларнинг ўртача йиллик тезлиги, м/сек

n - танланган йўналишлардаги шамоллар такрорланиши - текисликлардан тоғларга эсувчи шамоллар (ШҒ, ИИИ ва ШШ) ва қарама-қарши йўналишда эсувчи (ЖҒ, Ж ва ЖШ) шамоллар учун, ўртача йиллик

L - тоғ ва текислик ўртасидаги чегаранинг узунлиги.



Ўрта Осиё тоғ ва текислик ўртасида моддаларнинг айланиб юриши (Л. Алибеков, 2006, 3-б.)

Яйлов минтақасининг юқориги қисми ҳамда Ўзбекстондаги айрим тоғ ёнбағирларида музликлар сақланиб қолишининг асосий сабабларини бу ерларнинг орографик жиҳатдан қулайлиги, ёғин миқдорининг бошқа ҳудудларга нисбатан кўп ёғиши, ҳаво ҳароратининг паст бўлиши ва бошқа қатор омиллар таъсирлари билан тушунтириш мумкин. Музликларнинг сони

ва уларнинг массаси миқдори асосан иқлимий омилларга боғлиқ бўлиб, узок йиллар давомида ўзгариб туради.

Ўзбекистон тоғларида музликлар Чирчиқ, Қашқадарё ва Сурхондарё ҳавзаларининг юқори-сувайирғичларга яқин қисмларида жойлашган. Уларнинг "Музликлар каталоги" бўйича аниқланган сони 550 га яқин бўлиб, умумий майдони 232,2 км²ни ташкил этади.

Мамлакатимиздаги музликларнинг сони, майдони ва энг катта музликлар ҳақидаги маълумотлар илк бор келтирилмоқда (-жадвал). Жадвалдан кўриниб турибдики, Республикаимиздаги тоғ музликлари сонининг 50 фоизга яқини Писком дарёси ҳавзасида жойлашган. Бу ҳавзада 250 та музлик борлиги аниқланди. Уларнинг умумий майдони, 127,8 км² га тенг. Мамлакатимиздаги энг катта музлик-Аютор-3 музлиги ҳам Писком ҳавзасида жойлашган бўлиб, унинг умумий майдони 3,8 км² га тенг.

Ўзбекистон музликлари ҳақида айрим маълумотлар

Дарё ҳавзаси	Сони	Майдони, км		Энг катта музликнинг номи
		Умумий	Энг катта музлик	
Писком	250	127,8	(3,8)	Аютор-3
Қашқадарё	58	20,8	2,6	Северцов
Сурхондарё	239	83,6	1,9	Чап Қазноқ
Ҳаммаси	547	232,2	-	-

Манба: Арапбоева Г. ва б., 2001, 129-б.

Сурхондарё ҳавзасида эса жами 239 та музлик мавжуд бўлиб, уларнинг умумий майдони 83,6 км² га тенг. Бу ҳавзадаги энг катта музликнинг номи Кштут-5 деб аталади, унинг майдони 1,7 км².

Республикаимиздаги музликларнинг энг кам сони Қашқадарё ҳавзасида жойлашган. Бу ҳавзада жами 58 та музлик бўлиб, уларнинг умумий майдони 20,3 км² га тенг. Ҳавзадаги энг катта музлик Северцов музлиги бўлиб, майдони 2,6 км² га тенг.

Республикаимиз тоғларида мавжуд бўлган аксарият музликлар шимоли-ғарбий экспозицияларда жойлашган бўлиб, морфологик тури бўйича кара, яъни ёнбағирлардаги қозонсимон кичик ботикларда ҳосил бўлган музликлар типига мансубдир. Улар орасида узунлиги 0,5-1,0 км дан иборат осилма музликлар ҳам мавжуд, Лекин уларнинг сони жуда оз миқдорни ташкил этади. Ўзбекистон тоғларида ботиклик (котловина) музликлари ҳам бор. Айрим музликлар палахса қоялар кўринишида, баъзан эса мореналар билан кўмилган ҳолда учрайди.

Ўзбекистонда музликларни ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари ЎЗРВМ ҳузуридаги Бошгидрометга қарашли Ўрта Осиё гидрометеорология илмий тадқиқот институти (ЎОГМИТИ)нинг Гляциология бўлимида,

Ўзбекистон ФА Геология ва геофизика институтининг Гляциология лабораториясида амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда ЎОГМИТИда “Ўрта Осиёда гляциологик тадқиқотлар” мавзуида доимий равишда илмий тўпламлар чоп этилади. Тоғ музликларини ўрганишда Н.Л.Коржневский, О.П.Шчеглова, В.Ф.Суслов, А.С.Щетинников, А.А.Акбаров, Г.Г. Глазирин, Б.А.Камолов, Л.А.Капаев, В.Г.Коновалов, М.А.Носиров каби олимларнинг ҳиссалари катта бўлган.

Ўзбекистон рельефи ғарбдан шарққа аста-секин кўтарилиб бориши туфайли турли хил табиат минтақалари вужудга келган. Ҳар бир табиат минтақасида ўзига хос тупроқ, ўсимлик қоплами ва ҳайвонот дунёси мавжуд. Ўзбекистонда чўл, адир, тоғ ва яйлов баландлик минтақалари ажратилади.

Ўзбекистонда - қуйидаги тупроқлар тарқалган: 1) қайир-аллювиал; 2) ўтлоқ - бўз; 3) қумли - чўл; 4) чўл - тақир; 5) шўрхоқ; 6) сур – қўнғир; 7) суғориладиган бўз; 8) оч бўз; 9) оддий (типик) бўз; 10) тўқ тусли бўз; 11) тоғ - жигар ранг; 12) тоғ - ўтлоқ тупроғи ва.ҳ.к.

Чўл минтақасида (400 – 500 м) асосан сур – қўнғир, қумли, тақир ва бўз тупроқлар Устюртда, Марказий Қизилқум тоғлари ва Нурота тоғларида тарқалган, чиринди кам, кўпинча шўр бўлади. Қумли тупроқлар Қизилқум, Зарафшон этаги, Марказий Фарғона ва Мирзачўлда тарқалган. Тақир тупроқлар – чўлларда Устюртда, қуруқ дельталарда, қадимги дарё террасаларида учрайди.

Шўр тупроқлар – ер ости сувлари ер бетига яқин жойлашган жойларда тарқалган - Мирзачўл, Марказий Фарғона, Қарши чўли, Амударё этагида. Текисликларнинг шарқий ва жанубий қисмларида бўз тупроқлар кенг тарқалган, оч тусли бўз тупроқлар 300 – 500 м баландликкача бўлган жойларда учрайди, чиринди 1,0–1,5 %, суғорилса яхши ҳосил беради. Чўл иккига бўлинади: пастки ва юқориғи. Пастки чўл (250 м гача) – Бухоро

вилояти, Устюрт, Хоразмнинг айрим жойлари, Сирдарё вилоятининг шимолий қисмларидаги шўрхок ерлар киради. Бу ерда ўсадиган ўсимликларнинг поялари ва барглари семиз бўлади. Бу ерда асосан қуйидаги ўсимликлар ўсади: қорасаксовул, черкез, қорабарак, сарсазон, аччибута, боялиш, чўгон, анабазис, қуйроук, арпагон, донашўр, эбалак, балиққўз.

Юқори чўл (250 – 500м) – анча майдонни эгаллайди: Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларидаги қумли ва бўз тупроқли ерлар ва Устюрт киради. Адирга яқин жойларда гипсли тупроқлар ҳам учрайди. Ўсимлик қопламини асосий қисмини шувоқ ташкил қилади. Кенг тарқалган ўсимликлар қуйидагилар: оқсаксовул (кўмир тайёрланади), ёвшан, қуёнсуяк, қизил қандим, қирқбуюрғин, илок, қирқасоч, янтоқ, коврак, исирик, бойчечак, чучмома, партак, ялтирбош.

Ҳайвонлари – чўл лочини, қўшоёқ, кобра, дашт агамаси, тошбақа, қум бўғма илони, эчкемар, сайғоқ.

Адир минтақаси (400 – 500 – 1200), (1400 м) – ёғин 300 – 400 мм, тирик ва тўқ бўз тупроқлар тарқалган. Пастки адир (500 – 800 м), юқори чўл билан туташган: ўсимликлардан ранг, қўнғирбош, майиншувоқ, қоқиўт, қўйпечак, мингбош, қўзиқулоқ, исфарак, оққурай, каррак, лолақизғалдоқ, читир, келинсупурги, момик, чирмовук (зарпечак), чўлялпиз тирқалган.

Юқори адир (900 – 1200 м) – тўқ бўз тупроқ тарқалган, шағалли ва тошли жойлар кўп. Тупроғи унумдор, чала бута ва буталар кенг тарқалган: бодом, изен, терскен, оқшувоқ, ровоч, газакўт, гулхайри, андиз, беклар ўти, ажрик, қудачим, чўлсабзи, нўхатак.

Ҳайвонлари: ўқилон, калхат, майна, тоғилон, типратикон, каклик, жайра.

Тоғ минтақаси (1200 – 1400 – 2700 – 2800) ҳам икки қисмга бўлинади.

Пастки минтақа (1200 – 2000 м), юқори адир билан туташ бўлганлиги учун эфемерлар жуда кам бўлиб, чала бута, бута ва дарахтлар тошда ўсади.

Асосий ўсимликлари: тоғолча, зирк, тоғшувоқ, тоғпиёз, ғозпанжа, тоғқўзиқулоқ, тоғўтлоқ, буғдойиқ, астрагал, лола, тоғялпиз, эспарцет. Тупроғибўз ва жигаранг, гумусга бой.

Юқори минтақа (2000 – 2700 м) эфемерлар йўқ, ўсимлигини асосий қисмини бута ва дарахтлар ташкил қилади, уларнинг кўпчилиги мезофит ўсимликларидир. Тупроғи кўнғир ўрмон, ўрмонтоғтупроғидан иборат (чиринди 12 фоиз), ёғин миқдори 800 мм – 1000 – 1200. Асосий ўсимликлари: савуларча, ёнғоқ, ирғай, дукёғоч (қурилиш материали) заранг, наматак, кўнғир наъматак, чин, қизилча, қорақийёқ, тоғқўнғирбош, терак. Ҳайвонлари: бўрсиқ, булбул, бўри, айиқ, чуғурчук, силовсин.

Яйлов минтақаси (2700 – 2800). Альп ва субальп ўғлоқлардан иборат, бу ерда бута ва дарахатларни ўсиши учуп шароит йўқ. Яйловда асосан думбали Хисор қўйлари боқилади.

Пастки яйлов (субальп) 2700 – 2800 дан 7000 – 3200 м гача. Тупроғи оч жигаранг ва оч кўнғир. Ернинг юза қисмида кўпинча бошоқдошлар ва чим ҳосил қилувчи ўсимликлар кўп ўсади.

Асосий ўсимликлари: ўрикарча (дарахт), четан, (бута), яйлов эспарцети, еркуноқ тоғшашир, бетага, гулизардан. Юқори (альп) яйлов (3000 – 3200 м) ўсимликлар қопламини асосан ксерофит ўсимликлар ташкил қилади. Тупроғи тўқ жигаранг, кўнғир, юмшоқ. Тупроғини юқори қисми асосан чим ҳосил қилувчи ўсимликлар билан қопланган. Ёғингарчилик йил давомида, кўпи баҳорда, нисбий намлик 80 – 90 фоиз. Асосий ўсимликлари наврузут (муз атрофида кўп ўсади), арпаўт, ажриқбош, яйловранг, яйловқўнғирбош, тўнғисирт. Ҳайвонлари: тоғ такаси, алкор (кўчқор), буғу, қор барси.

Лекин минтақавий маълумотларнинг қиёсий таҳлили асосида мукаммал умумлашмалар яратилган эмас. Қуйида геоморфология ва табиий географияга оид нашр этилган ва улардаги маълумотларни қиёсий таҳлил

қилиб эидиликда очилиши лозим бўлган айрим муаммолар хусусида фикр юритамиз. Ана шундай муаммолардан бири олий ва ўрта мактаб география таълимидаги тоғ тушунчаси ва унинг баландлигига кўра таснифидир.

Дания мамлакатада 170 м баландликдаги тепаликни тоғ деб ҳисоблашади ва уни «Ютландия Олимпи» деб улуғлашади, Ўрта Европада 240 метрлик баландликка «Дўзах тоғи» деб ном беришган. Агар денгиз сатҳидан 200 метр баландликларни тоғ дейилса, деярли куруқликларнинг барчаси тоқлардан иборат бўлар эди. Марказий Қизилқумдаги айрим қолдиқ тоғлар (Султон Вайс, Етимтоғ, Қозоқтоғ ва бошқалар); Ғарбий Тяншан ва Қисор-Олой тоғ тизмаларининг пролювиал текисликларидан паст; Аппалачи тоғлари Кордильера тоғ тизмаларининг шарқий ёнбағрига туташган Буюк текисликлардан паст ва ҳ.к.

Амалиётдан маълумки, тоғларга тасниф берилганда геологик ва морфологик тузилишига эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Негаки тоғлар асосан магматик ва метаморфик тоғ жинсларидан тузилган бўлади. Бу туб жинслар тоғларнинг асосий хусусиятларини намоён қилади. Қиймаланган ёнбағир, сувайирғичлари ва этак қисмларининг аниқ ифодаланганлиги билан баландлик, тепалик ва қирлардан ажралиб туради. Чунки охирги рельеф шакллари чўкинди жинслардан тузилган бўлади. Бизнинг фикримизча: «Тоғ-туб жинслардан тузилган, ёнбағри ва этак қисми билан аниқ ифодаланган, текис юзалардан кескин кўтарилиб турган рельеф шаклидир».

Мезокайнозой ётқизикларидан тузилган тепалик, баландлик ёки қир-адирлари тоғ деб бўлмайди. Масалан, Белтоғ-Қуйи Амударёда, Моховтоғ-Фарғона водийсида ва бошқалар маҳалий аҳоли томонидан нотўғри тоғ деб айтилган, хариталарда ҳам тоғ ёзилган. Ваҳоланки уларнинг мутлақ баландлиги 300 м дан ошмайди. Мезокайнозой ётқизиғи бор бўлган ва ёнбағирлари қиймаланган, этак қисми бўлган ва денгиз сатҳидан 900 м дан

ошган тепаликларни тоғ деб аташ мумкин. Ер шари курукликнинг гипсографик эгри чизиғини таҳлил қилган. З.А. Сваричевская (1965, 80-б.) тоғлари баландлигига кўра қуйидагича тас-нифлайди: паст тоғлар-2000 м гача, ўртача баландликдаги тоғлар-3000 м гача, баланд тоғлар-5000–5500мгача ва энг баланд тоғлар 5000 м дан ортиқ. Курукликнинг ўртача баландлиги +875 м эканлиги ҳисобга олиб, олима баландлиги 900 м бўлган жойларни тоғ деб аташ мумкин деб ҳисоблайди.

Пославская О.Ю. (1989, 6-б) Ўзбекистон ҳудудини орографияси учун тадбиқан тоғларни қуйидагича таснифлайди: паст тоғлар-350 400 м дан 1000-1200 м гача, ўртача тоғлар-1000 м дан 2500-3000 м гача, баланд тоғлар 3000 м дан ортиқ. Энг баланд тоғлар Ўзбекистон ҳудудида йўқ (Ҳазрат Султон-4643 м) деб ҳисоблайди.

Дунё миқёсида тоғларнинг баландлигига кўра таснифини З.А. Сваричевская айтган муқобилни қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Фикримизча паст тоғларни 2000 гача, ўртача баландликдаги тоғларни 3000 м гача баланд тоғларни 5000 м гача ва энг баланд тоғларни 5000 м дан ортиқ деб олинса ҳам бўлади, лекнн баъзи олимлар 6000 м дан ўтказишади. Бу тасниф дунё тоғларининг морфологик ҳамда геологик тузилишига кўра мос келади.

Ўрта Осиё тоғ тизимларининг этакларида шаклланган тоғолди текисликлари тоғ тизмаларининг бошланишидаги биринчи зинадир. Ғарбий Тяньшан тоғтизимларига туташган адирлар минтақасини уч гуруҳга, яъни паст, ўртача ва баланд (1600 м гача) адирларга ажратилади. Дастлаб тўлқинсимон аллювиал-пролювиал текислик паст адирлар минтақасига туташиб кетади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, адирлар минтақасида ёки текисликларда жойлашган магматик ва метоморфик тоғ

жинсларидан тузилган, қиймаланган ёнбағри ва этаклари аниқ катта-кичик тепаликларни тоғ деб атаса бўлади.

Яна бир масала ўзечимини кутмоқда. Бу ҳам бўлса тоғларда шаклланган ландшафт минтақаларидир. Тоғлардаги ландшафт (табиат) минтақаларининг барча хусусиятлари тоғларнинг географик ўрни, баландлиги, экспозицияси, иқлим кўрсаткичлари, табиий географик жараёнлар, ҳаво массаларининг йўналиши, денгиз ва океанлардан узоқлиги ва ҳ.к.ларга боғлиқ.

Тоғ ва текислик ўртасида моддалар айланиб юришининг биринчи тармоғида моддалар тоғдан текисликка ҳаводаги оғирлик кучи таъсири остида сув оқими, муаллақ ва айланиб юрувчи заррачалар ва организмлардан иборат бўлган ҳамда нураган минерал моддалар оқими шаклида шаклида сирғалиб тушади; иккинчи тармоғда эса, улар оғирлик кучига қарши текисликдан тоғларга қараб ҳаракат қилади ва шу билан бирга унда туз ва чангларни ҳаво орқали олиб борилиши муҳим роль ўйнайди. Оқимларнинг (поток) Ер юзасидаги ҳаракат турларига қараб улар чизикли ва (юза) майдонли бўлиши мумкин. Унда биринчи ҳаракат турига дарёлар, сел, қор кўчкилари, тоғ-водий шамоллари мансуб бўлса, иккинчисига - ер ости сув оқими, турли чонг тўзон бўронлари “Афғон”, “Қўқон”, “Хавос” ва бошқа турдаги шамоллар мисол бўла олади. Ўрта Осиё тоғ-текислик геопарасида, табиийки, энг кучли таъсир бу ҳаво оқимидир. Тоғ ва текислик ўртасидаги моддаларнинг айланиб юришида қатнашаётганлар орасида маҳаллий циркуляция туфайли жуда катта ҳаво оқимининг қатнашаётганлиги диққатга сазовордир. Маҳаллий циркуляция туфайли тоғ ва текислик ўртасида айланма ҳаракатда қатнашаётган улкан ҳаво оқимининг қатнашиши йилига $0,1 \cdot 10^{14}$ т ташкил қилади. Лекин шу билан бирга, тоғдан текисликка йўналган

тармоқ ҳаво оқими бўғини (ичида) кечаси эсадиган шамоллар кучлироқ экан, яъни айланма ҳаракатда (даврида) тенглик (баланс) йўқ.

Атмосферадаги глобал ва регионал циркуляция жараёнлари сабабли, геопарада қалинлиги ва кучлилиги бўйича ҳаво ва сувни бир томонлама йўналишда ташиш мутлоқ ҳукмронлик қилади. Ғарб, шимоли-ғарбдан келадиган ҳаво оқими ҳаракатини ташишининг ҳукмронлиги тоғ ва текислик ўртасидаги алоқадорликни мустаҳкамлашга имкон беради, чунки бунда бир томондан саҳро ҳаво массасининг адвекциясини таъминлайди ва иккинчи томондан ёғин-сочинлар ҳосил бўлишига ундан кейин эса, сув оқими бўлишига имкон беради. Геопарада айланиб юрган намликнинг миқдори йилига юзлаб миллиард тонналарни ташкил қилади. Лекин табиатда ҳаво ва сув айланиб юришининг реал аҳамияти кичик ва уларнинг табиатга бевосита ва билвосита таъсир этиши билан боғлиқ бўлади. Геопарада қарама-қарши алоқаларнинг асосий манба тарқатувчиси бўлиб майда заррачалар (мелкозем) ва тузлар ҳисобланади ҳамда уларнинг иштироки геохимёвий ва геофизик жараёнларда муҳим роль ўйнаганлиги билан белгиланади. Ушбу айланма ҳаракатлар геопаранинг табиий шароитдаги фаолияти мустаҳкам ва барқарор ривожланиши учун зарурий шарт-шароит яратади. Минерал моддаларнинг маълум даражада ёпиқ ҳолда айланиши, геопаранинг бир бутунлигини ва шу билан бир вақтда уни ўраб турувчи, унинг атрофидаги макондан, ҳудудлардан алоҳида ажралиб туришининг - асосий, бош омили бўлиб ҳисобланади. У тоғ ва унга туташ текисликларнинг ўзаро таъсири моҳиятини тушуниш учун жуда муҳим хулосага олиб келади. Хулоса шундан иборатки, бу ўзаро таъсирнинг (яъни, тоғ ва унга туташ текисликлар ўртасидаги) энг муҳим механизмларидан бири - тоғ ва текислик ўртасида майда тупроқ заррачаларининг (чанг шаклидаги) алмашиб туришидир.

Бу алмашиб туриш иккита тармоқдан тузилган ўзига хос шаклга эга бўлган айланиб юришдир. Булардан бири - ер усти, ҳаво тармоғи бўлиб, улар чанг бўронлари ва чанг туманлари воситаси билан фаол ҳаракат қилиб тоғ томонга йўналган бўлиб чанг заррачаларини етказиб беради ва у ерда чўкади (ётади). Айланиб юришнинг иккинчи тармоғи - ер усти, унда бутун комплекс экзодинамик жараёнлар эол тупроқ зарраларини фаол равишда текисликка қайтаради ва бу ҳудудларни жуда жадал равишда йилига $0,6-10^9$ т. ни ташкил этган «эол» бўлмаган майда зарралар йиғиндиси билан бойитади. Шу билан бирга майда зарралар айланиб юришининг ниҳоятда ўзига хос хусусиятлари - унинг айнан беклиги бўлиб, шамол билан келтирилган турли зарралар катта қисмининг Ўрта Осиёда қолишида намоён бўлади. Ушбу кўрсатилган қонуният ҳозирга қадар илмий адабиётларла ҳали етарли даражада баҳоланмаган ва ўрганилган эмас.

Шундай қилиб, текисликдан $2 - 10$ ва $0,1 \cdot 10^9$ т туз ва чанглар ҳаво орқали тоққа ва тоғ олдиға олиб борилади, у ерлардан эса ер усти сув оқимлари ёрдами туфайли яна қисман қайтиб келади ва дарёларнинг қуйи қисмида ҳамда тоғ олди текисликларида ётқизилади. Ҳозирги вақтда Ўрта Осиё ҳудудида тўпланган туз ва чангларнинг асосий йиғиндиси чамаси, тўртламчи давр мобайнида бир неча марта қайтадан ётқизилган. Шунинг учун ҳам шўрхоқлар, лёсс ва лёссимон тоғ жинсларини геопара тизимларида ёйилиб, сочилиб ётган материалларнинг мавжуд бўлишининг фақат бир шакли деб қараш мумкин. Тузлар ва чанглар йиғиндисининг бир қисми йўлда, тоғ ва тоғ олдиға шамол билан олиб борилишида текисликдаги дарёларнинг террасаларида, дельталарида, Орол денгизининг ва кўлларнинг сувларида ушланиб қолинади. Ниҳоят, бирмунча моддалар шамол ҳаракати билан геопаралар ташқарисига олиб кетилади.

Тоғ-текислик геопараларидаги моддаларнинг айланиб юришининг йиғиндиси - бу муҳим табиий географик феиомендир, унинг борлиги тоғ-текислик тизимини «океан-қуруқлик» тизими ва бутун ландшафт қобиғи билан бирга яқинлаштиради. Моддаларнинг тоғ-текисликда айланиб юриши мураккаб жараёнлар йиғиндисидан иборат бўлиб, у ўз навбатида, уларнинг ҳар қайсиси занжирли реакция асосида қатор жараёнларга сабаб бўлади (ёки қақиради). Бу жараёнлар қисқа муддатли ва узоқ муддатли бўлиши мумкин. Узоқ муддатли жараёнлар тектоник ҳаракатлар вақтида геопараларнинг эволюциясини белгилайди ким, у вақтда тоғ ва унга туташ текисликларнинг юқорига кўтарилиши шунга мувофиқ флора, фауна, тупроқ ва бошқаларда ўзгаришлар содир бўлади, ёки тоғ тизмаларининг ва тоғ олди ботиқларининг дифференциал (ҳар хил) кўтарилишида текисликларнинг денудация маҳсулотлари билан тўлиши, шунингдек, аллювиалоқизикларнинг йиғилиши (аккумуляцияси) ва тоғларда эол қатламларнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Қисқамуддатли жараёнлар геопараларнинг ишлаб туришини таъминлаб, моддалар кирим - чиқимининг камлиги билан фарққилиб, кенг ўткинчи (ўзгариб турувчи) минтақа шаклидаги ҳаракатчан²(ўзгариб турадиган) чегарага эга. Масалан, сернам ёғингарчилик йиллари сув тошқинлари ва селларнинг таъсир доираси катта бўлиб тоғлардан анча узоқ масофадаги текисликларга ҳар хил ювилган материалларни олиб боради, намгарчилик кам бўлган йилларда эса, аксинчаси бўлиб, ювилган материалларни қисқа масофага олиб боради ва таъсир этиш доираси ҳам анча кичик бўлади.

Моддаларнинг тоғ-текисликда айланиб юришининг айрим тармоқларини миқдорий баҳолаш, геопарадамайда енгил зарра моддалар

² Алибеков Л.А. тоғ ва текислик ўртасида моддаларнинг айланиб юриши қонуниятлари ҳақида // ЎзГЖ VII съезди материаллари, –Т., 2006, 113-б.

ҳаракатининг туз, муаллақ ва аэрозоллар шаклида қарама-қарши йўналишда олиб чиқиш ва олиб келиш жараёнларида етарли даражада тўлиқ табиий тенглик (мувоминтақат) борлигини кўрсатади. Моддаларнинг қарама-қарши йўналишда (яъни, тоғдан-текисликка ва текисликдан тоққа) бундай тенглик мувозанатдалиги, ландшафтларнинг мўътадил мавжуд бўлишини таъминлайди ва ҳар хил типдаги табиий мажмуалар шу жумладан, алоҳида динамик хусусиятга эга бўлган шўрхокли чўкмалар ва баланд тоғлар ўртасидаги ҳудудий мувозанатни сақлайди. Лекин кейинги ўн йилликларда табиатга инсон хўжалик фаолияти таъсир этишининг кучаниши натижасида тоғ-текисликда моддалар айланиб юришининг механизмлари бузилганлиги маълум бўлмоқда. Бу алоҳида мавзу.

Ўрта Осиё регионида «тоғ-текислик» геопаралари динамикасининг қонуниятларини аниқлаш. табиий ресурсларни бошқаришни такомиллаштиришнинг илмий тавсияларини ишлаб чиқишга имконберади.

Шундай қилиб, тўпланган материалларни мажмуали таҳлил қилиш асосида, Ўрта Осиё тоғли районларининг муаммоларини аввалгидек текисликлардан ажратилган ҳолда эмас, балки текисликлар муаммолари билан бирга кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ эканлиги аниқланди. Ҳозирги вақтда тоғ ва текислик ҳудудларининг жуда кўп ҳар томонлама алоқадорликлари бутун Ўрта Осиё регионининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг характерли хусусиятидир.

1.3. Тоғ ва тоғолди ҳудудларининг экологик – иқтисодий барқарор ривожланишидаги муаммолар

Тоғ ва тоғолди ҳудудлари аввалдан табиий ва рекреация ресурсларига бой ҳисобланади. Шунинг учун ҳам кишилиқ жамиятининг илк бор босқичларида цивилизация тоғ водийларида таркиб топиб, тараққий қилган. Ўтган асрда Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистонда тоғ ва тоғолди ҳудудларида

ишлаб чиқариш кучлари кучли ривожланди, минерал хом ашёларни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида атроф муҳит ифлосланмоқда, экологик вазият жиддийлашмоқда, аҳолининг саломатлиги азият чекмоқда. Табиий муҳитнинг деградацияси, ресурсларни қашшоқланиши, сифатини бузилиши, нес-нобуд бўлиши, ишлаб чиқариш учун яроқсиз ҳолга келишини кучайтирмоқда. Тоғ ёнбағирларида инсон хўжалик фаолияти таъсирида фавқулодда ва ҳавфли табиий жараёнларни кенг миқёсда ривожланиши кузатилмоқда. Буларнинг барчаси табиатдан фойдаланиш жараёнини илмий асосланган тарзда амалга оширишни талаб қилади.

Тоғ табиат мажмуаларининг динамикаси, ривожланиш қонуниятлари ва уларни табиатдан фойдаланишда ҳисобга олиш. Тоғва тоғолди мажмуаларининг ўзгарувчанлиги уларни ташкил қилган жинсларнинг таркиби, ёнбағир қиялиги, ўсимликлар билан қопланганлик даражаси, инсон хўжалик фаолиятининг характери каби омиллар билан белгиланади. Инсон кўпинча ёнбағирларнинг ландшафт ҳолати, динамик ва ривожланиш босқичларини тўлиқ ҳисобга олмасдан хўжалик фаолиятни амалга оширади. Антропоген таъсир ландшафтнинг бугунги ҳолати, динамик ўзгарувчанлиги ва умумий ривожланиш йўналишига турлича таъзийқ ўтказиши мумкин. Энг муҳими ресурслардан нооқилона фойдаланилганда тоғ ландшафтлари тузилмаси(структураси)ва динамик ҳолатида салбий ўзгаришлар содир бўла бошлайди. Бунинг оқибатида ландшафт компонентлари ва мажмуалари орасида ўзаро табиий боғлиқлик ва таъсир қонуни бузилади. Деградациянинг индикатори сифатида аввало номатлуб табиий-антропоген жараёнлар таркиб топишини кўрсатиш мумкин, кейинчалик ҳудуднинг хўжаликда фойдаланиш муомаласидан яроқсиз ҳолда бутунлай чиқиб кетиши содир бўлади.

Биологик ва ландшафт хилма-хиллиги тоғ ва тоғолди табиатидан фойдаланиш маҳсулдорлигини бир неча барабар оширади, чунки хилма-хил структурага эга бўлган ландшафтлар антропоген ва табиий таъсирларга нисбатан барқарорлиги амалда тасдиқланган. Хилма-хиллик табиат қонуни жуда муҳим, ресурслардан фойдаланишда, хусусан ер, яйлов, ўсимлик, рекреация бойликларини муомалага киритишда асқотади. Ландшафтларнинг бир хиллик хусусияти номақбул жараёнларнинг катта майдонларда ривожланишига олиб келади. Хилма-хиллик қонуни ҳудудда салбий жараёнларни вужудга келиши ва тараққий қилишини тартибга солиб туради.

Табиатнинг ўзгариш ва ривожланиш қонунлари ҳамда қонуниятлари кўп, уларни ўрганиш, билиш ресурслардан оптимал фойдаланишни осонлаширади, ландшафтларнинг бузилиш йўналишидаги ривожланиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ҳамда бойликларнинг қашоқланишини олди олинади.

Инсон хўжалик фаолиятининг тоғ ва тоғолди ҳудудида табиий жараёнларни кечишига, мажмуаларига, экологик вазиятга, ресурсларини ўзгаришига таъсири. “Тоғёнбағирлари, водийлари ва тоғолди текисликларнинг табиий мажмуалари гравитацион куч, катта қиялик, тоғ-водий шамоллари, ер ости ва усти сув оқими ва бошқа омиллар таъсирида мунтазам ўзгаришда бўлади. Инсон хўжалик фаолияти натижасида тоғ ёнбағирлари ва водийларида саноат корхоналарининг жойлаштирилиши муҳитнинг ифлосланишига, бузилишига, муомаладан чиқиб кетишига олиб келмоқда. Гап шундаки, юқори ёнбағирларда ишлаб чиқариш фаолиятини кўрсатаётган саноат корхоналари (Қизилқия, Хайдаркон, Сулюкта, Анзоб, Хондиза, Ингичка, Олмалиқ, Ангрен) қуйи ёнбағирдаги ер ости ва усти сувлари ҳавзаларини, тупроқларни, ўсимликларни, атмосфера ҳавосини, ис гази, оғир металллар, метан, азот икки оксиди, азот оксиди ва бошқа газлар

билан ифлослантормоқда. Тоғ-водий шамоллари ифлосланган, ҳавони текислик ва тоғ (Оҳангарон, Сурхон, Фарғона, Чирчиқ) водийлари бўйлаб тақсимламоқда. Натижада у ерларда ер ости сувлари оғир металллар, нефть маҳсулотлари билан ифлосланмоқда, тупроқ ва ўсимлик таркибидаги оғир металллар ионлари руҳсат этилган меъёрдан бир неча баравар кўп учрамоқда. Ичимлик сувининг ифлосланиши туфайли аҳоли орасида турли касалликлар тарқалмоқда. Тоғ ёнбағирларида ер усти ва ости сув таъсири туфайли эрозия, сурилма, сел, суффозия, қирғоқларни қулаб тушиши каби жараёнларни ривожланиши кенг миқёсда кузатилмоқда.

Ёнбағирларда хусусан дарахт ва буталарнинг қурилиш материали сифатида қирқилиши, мол боқишни нотўғри ташкил қилиниши оқибатида ўт қопламанинг деграцияси эрозия (ҳар гектарда 5-20 т ва ундан кўп тупроқнинг ювилиши) ва сурилма (ҳар гектарда 3-8 та) ларнинг жадаллашишига сабаб бўлмоқда. Натижада ёнбағирнинг ўйдим-чуқурлиги ошиб, ундан хўжаликда фойдаланиши мураккаблашмоқда.

Сурилма, ўпирилиш, суффозия ва жар эрозияси сел ҳодисаси билан биргаликда мажмуа ҳолда табиат мажмуаларининг ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Бу ҳодиса кўпинча паст тоғ минтақасида ва тоғолдининг юқори қисмида устувор. Лёсс ва лёссимон жинсларнинг тарқалиши эрозия, сурилма ва селларнинг шиддат билан ҳаракатланишига яхши шароит яратади. Типик бедленд шаклини вужудга келишинисбатан тез муддатлардатаркибтопади. Натижада лёссли қия ёнбағир ўрнида купли парчаланган янги табиий мажмуа вужудга келади.

Тоғ ва тоғолди мажмуаларининг экологик-иқтисодий барқарор ривожланиш муаммолари. Тоғ ва тоғолди ҳудудлари ягона, бир-бири билан боғлиқ табиий бўлганлиги учун модда ва энергия алмашуви ва уларнинг бир томонлама ҳаракатини ҳисобга олинса, маълум маънода бир бутун геотизим

деб ҳам аташ имконини беради. Тоғолдимажмуалари тоғ геотизимлари таъсирида вужудга келади, шаклланади ва ривожланади. Шу қонуниятни ҳисобга олинса тоғолди мажмуаларда бўладиган барча структурали-динамик ўзгаришлар тоғларда юз берадиган табиий ва антропоген функционал ҳодиса ҳамда жараёнлар таъсир миқёсига боғлиқ. Конус ёйилмаларида содир бўладиган ўзгаришлар: дағал жинслар ёки лёссимон ётқиқиқларнинг калинлигини ортиши ёхуд камайиши тоғ ёнбағирларида содир бўладиган эрозия ва селларнинг тезкорлигига боғлиқ. Фарғона водийси конус ёйилмалари этакларининг тупроғида оғир металлларнинг меъёрдан бир неча ортиқ бўлиши паст тоғларнинг ёнбағирларида жойлашган саноат корхоналари (Қизлқия, Хайдаркон, Сулюкта ва бошқ.)нинг ишлаб чиқариш фаолияти билан тушунтирилади.

Тоғолдининг қуйида жойлашган аллювиал-пролювиал текисликлари (Мирзачўл, Жиззах, Далварзин)да кўрик ерларни ўзлаштириш, уларда экинлардан мунтазам кафолатланган ҳосил етиштириш кўп ҳолларда уларнинг юқори қисмида суғорма деҳқончилик фаолиятининг характериға боғлиқ. Агарда аллювиал-пролювиал текисликнинг юқори қисмида суғоришда меъёридан кўп миқдорда сувдан фойдаланилса грунтнинг нам ўтказиш қобилияти катталиги туфайли унинг қуйи қисмида оқимнинг ётиқ ҳаракатини сустлиги сабабли тик кўтарилиш устун бўла бошлайди ва ер бетига яқинлашади. Оқибатда намликнинг буғланиши ҳисобига тупрок шўрланишға берилади. Ўтган асрнинг 80-йиларида Тожикистоннинг Зафаробод туманидаги ерлар ўзлаштирилиб, суғорилганда Мирзачўлдаги 50 мингга кўрик ва қисман суғориладиган ер шўрланиш жараёнидан катта зарар кўрган.

Тоғ ва тоғолди мажмуаларининг экологик-иқтисодий барқарор ривожланиши аввало табиий шароитнинг қулайлиги, табиатдан фойдаланиш

жараёнининг оқилоналиги, экологик вазиятнинг қаноатланарли ҳолатда бўлишлиги ва бу негизда иқтисодий кўрсаткичларнинг юқорилиги каби омилларга боғлиқ. Энг муҳими табиий ресурслардан илмий асосланган ҳолда меъёрида фойдаланиш, техноген чиқиндиларни атмосфера ҳавоси ва сув ҳавзаларига энг кам(руҳсат этилган) миқдорда чиқаришни таъминлаш, тупроқ ва ўсимлик қопламига оғир металллар, нефт маҳсулотлари, пестицидлар, радиоактив моддалар билан ифлосланишини олди олинган ҳамда аҳоли саломатлиги юқори даражада сақланган тақдирда экологик барқарорликка эришиш мумкин. Қулай соғлом экологик вазият ҳудуднинг бой иқтисодий салоҳиятини барқарор ривожланиш йўлига солиш учун имкон беради. Бинобарин, барқарор ривожланиш мураккаб динамик тизим, у кўп жиҳатларни қамраб олади. Асос сифатида табиий шароит, ресурслардан фойдаланиш ҳолати, экологик вазият йўналиши (аҳоли саломатлиги билан биргаликда)ни қамраб олади. Индикатор сифатида ижтимоий-иқтисодий ривожланшни кўрсатиш жоиз.

Одатда саноат ишлаб чиқариши кучли ривожланган ҳудудларда экологик вазият кескин ёки танг даражада бўлиши қайд қилинади. Бу ҳол ишлаб чиқариш характери, уни замонавий, дунё андозаларига мос келадиган технология билан таъминланганлиги, ресурслардан фойдаланиш ва атроф муҳитни ифослантириш даражалари, корхонада техноген чиқиндиларнинг тозалаш жиҳозларини самарадорлиги ва бошқа кўпгина омиллар таъсири билан боғлиқ. Саноат корхоналари тайёр маҳсулот ишлаб чиқариб, унинг эгаларига катта даромад келтириши барчага аён. Масалани иккинчи томони шундаки, корхона ишлаб чиқариш жараёнида атроф муҳитни техноген чиқиндилар билан ифлослайди, аҳолини турли касалликларга берилишини кучайтиради, мавжуд ресурсларни қашшоқланиши ва сифатини бузилишига жиддий аҳамият берилмайди. Корхона маъмурияти олдида бу гўёки иккинчи даражали, унчалик амалий аҳамияти йўқ масала бўлиб кўринади. Агарда

етказилаётган зарарларни пул ҳисобида ҳисоб-китоб қилиб чиқилса, жами бир йиллик зарар шу муддатдаги корхонанинг барча даромадига яқинлашиб қолса керак. Бу муаммога алоҳида аҳамият берилиши, чуқур ўрганилиши ва тегишли хулоса ишлаб чиқилиши лозим. Гап ишлаб чиқаришнинг атроф муҳит ҳолати, ресурслар сифати, экологик вазиятнинг мураккаблашуви, аҳоли саломатлигига етказётган зарари устида бормокда. Жуда муҳим, жиддий долзарб масала, уни ижобий ҳал қилиш айна муддао.

Иқтисодиётда ҳам, ишлаб чиқаришда ҳам ташкилий ва ривожланишни таъминловчи тақомиллашмаган қирралари кўп. «Табиат-хўжалик-аҳоли» тизимида ички зиддиятлар ва тақомиллашмаган жиҳатларни ўрганиш йўли билан уларни бартараф қилиш асосида оптимал тараққиёт йўлини белгилаш ҳамда ишлаб чиқаришни барқарор ривожлашириш мақсадга мувофиқ. Тоғ ва тоғолди мажмуаларида экологик-иқтисодий барқарор ривожланишнинг муаммолари бисёр. Аввало экологик ривожланишни барқарорлаштириш лозим, сўнгра унинг негизида иқтисодий ривожланишни барқарорлаштириш мақсадга мувофиқ. Агарда тоғ ва тоғолди мажмуаларида экологик-иқтисодий барқарор ривожланишга эришилса, у ҳолда текисликда шу жиҳатдаги тараққиёт барқарорлигида устунликка етишиш осон кечади³.

³Рафиқов В.А. Тоғ ва тоғ олди ҳудудларининг экологик – иқтисодий барқарор ривожланиши: муаммолар, ечимлар ва таклифлар // ЎзГЖ VII съезди материаллари, –Т., 2006, 98-б.

II боб. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ МИНТАҚАЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТДАГИ ЎРНИ ВА УЛАР САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШ

2.1. Тоғ ва тоғолди минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ўрни

Кишилиқ жамиятининг ривожланишида тоғли ҳудудларнинг ўрни беқиёсдир. Чунки инсониятнинг дастлабки хўжалиқ фаолияти тоғли ҳудудлардан бошланган.

Инсон жамият тараққиёти давомида тоғлардан турли мақсадларда фойдаланиб келган. Жумладан, инсон илк ибтидоий жамоа тузуми даврида тоғлардан нафақат озиқ-овқат, кийим-кечак эҳтиёжларини қондиришда балки табиатнинг турли салбий таъсирларидан ва турли ҳилдаги йиртқич ҳайвонлар ҳужумидан сақланиш мақсадида бошпана сифатида ҳам фойдаланиб келган.

Айниқса, XI-X асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида ғарбий Европа мамлакатларида ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши ва мустамлакачи мамлакатларнинг дунёнинг турли минтақаларида босқинчилик юришлари даврида тоғли ҳудудлардан саноат мақсадларида фойдаланиш кескин кучайган.

XX асрнинг ФТТ даврига келиб эса тоғли ҳудудлар ёқилғи ва минерал ресурслар казиб чиқарувчи асосий манбаларга айланди. Чунончи, бу даврда ёқилғи, қора ва рангдор металлургия, тоғ-кон, саноати тармоқлари ривожланди. Бироқ, шу билан бирга тоғли ҳудудларда антропоген таъсирнинг кучайиши табиий ландшафтларнинг ўзгаришига ҳам олиб келди.

Тоғлар бу бебаҳо бойлик, улар ҳар қандай мамлакат ёки минтақада ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришга турлича таъсир кўрсатади. Масалан, тоғли ҳудудларга эга бўлган мамлакатларда рудали ва норуда конларнинг жойлашганлиги бу ерда ёқилғи, қора ва рангдор металлургия, кимё саноати, тропик ва мўътадил минтақанинг чўл ва

чалачўллар минтақасида эса суғорма деҳқончиликка асосланган қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш имкониятларини вужудга келтиради.

1 - расм



Бундан ташқари, мураккаб тоғ рельефига эга бўлган мамлакатларда ер фонди таркибида шудгор қилинадиган ерларнинг чекланганлиги бу ерда қишлоқ хўжалиги ва транспорт тармоқларини жойлаштириш ва ривожлантиришда турли қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Ҳозирги кунда жаҳон мамлакатларида тоғлардан турли даражада фойдаланилмоқда. Жумладан, иқтисодиёти ривожланган индустриал-орти мамлакатларда тоғлардан хўжалик мақсадларда эмас, балки кўпроқ курорт ва дам олиш учун кенг фойдаланилмоқда. Биргина Ғарбий Европанинг Швейцария, Австрия, Италия каби мамлакатларида кўплаб туризм ва курорт марказлари вужудга келган. Ушбу мамлакатлар минерал хом ашёга бўлган ўз

эҳтиёжини Дунё океанидан қазиб олинаётган ва ривожланаётган мамлакатлардан келтираётган импорт ҳисобига қондирмоқда.

Натижада, мазкур мамлакатларда минерал хом ашёга таянувчи саноат корхоналари (қора ва рангдор металлургия) денгиз бўйи районларида жойлаштирилмоқда. Юқори даражада тараққий этган мамлакатларда эса тоғ ҳудудларидан фойдаланиш тоғ-кон саноати ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ҳисобига амалга оширилмоқда. Сабаби -бу мамлакатларнинг иқтисодиёти тоғ-кон саноатида қазиб олинadиган минерал хом-ашёга ва қишлоқ хўжалигида етиштириладиган маҳсулотларни четга экспорт қилишга таянади. Ушбу мамлакатларда тоғ ландшафтларига кишилар хўжалик фойяти таъсирининг кучайиши хосдир.

БМТ қарори асосида 2002 йил - “Тоғ йили” деб қабул қилинган. Бунга, энг аввало, тоғ минтақаларида вужудга келган экологик вазият, ижтимоий-иқтисодий, ҳарбий-сиёсий ва бошқа омиллар сабаб бўлди. Тоғ муаммолари 1992 йилда Рио-Де-Жанейро ҳамда (2002 й.) Йоханнесбург (Жанубий Африка Республикаси) шаҳрида бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Умумжаҳон саммитида, яъни учрашувида алоҳида кўриб чиқилди ва тоғ минтақаларининг барқарор ривожланиши ғояси қабул қилинди.

Баъзи маълумотларга қараганда, тоғлар Ер юзининг 1/4 қисмини эгаллайди ва бу ерда тахминан шунча дунё аҳолиси яшайди. Жумладан, 500-1000 м. денгиз сатҳидан баландликда жаҳон аҳолисининг 11-12 фоизи, 1000-1500 метр баландликда 4-5, 1500-2000 м оралиғида 2 ва баланд тоғ минтақаларига 1 фоиздан кўпроғи тўғри келади. Ер шарида асосан тоғли, аралаш рельеф шаклига эга ҳамда текисликдан иборат мамлакатлар бор. Типик тоғли давлатларга Перу, Чили, Боливия, Тожикистон, Қирғизистон, Арманистон, Бутан, Непал, Норвегия, Швейцария, Эфиопия, Кения ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ўзбекистонда тоғлар мамлакат ҳудудининг тахминан 20 фоизини эгаллайди. Ҳозирги кунда республикада 23 “тоғли” кишлоқ туманлари учун махсус давлат дастури ишлаб чиқилмоқда. Бу туманлар кўпроқ Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах ва Наманган вилоятларига тегишли бўлиб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида қатор муаммолар вужудга келган.

Маълумки, тоғ тушунчаси, одатда, рельеф шакли, орографик элемент маъносини билдиради. Бинобарин, у асосан табиий географиянинг объекти сифатида кўрилади. Ваҳоланки, тоғлар катта ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга. Шунинг учун улар иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий географиянинг ҳам муҳим тадқиқот объекти бўлмоғи лозим.

Табиий географияда тоғларнинг иқлим ҳосил қилувчи ва бошқа хусусиятлари яхши ўрганилган. Айни вақтда улар йирик минерал бойликларга, рекреация ва туристик имкониятларга эга. Бироқ, бу салоҳиятдан фойдаланиш кўпроқ тоғликлар манфаати учун эмас балки текисликда яшовчиларга хизмат қилиши. Умуман олганда эса тоғ ва текислик ўртасида ўзига хос алоқадорлик, “географик конвеер” мавжуд.

Айтиш мумкинки, тоғ борки, текислик бор ва аксинча, текислик борки тоғ бор. Ушбу “геожуфтликлар” (Алибеков Л.А.), нисбий тушунчаларнинг мавжудлиги дунёнинг, инсоният ҳаётининг бутлиги, қолаверса, география фанининг борлигини таъминлайди. Чунки, агар ер юзи фақат бир рельеф шаклидан иборат бўлганда эди, табиий географик, ва иқтисодий географик (ҳудудий меҳнат тақсимооти) жараёнлар ҳам бўлмасди, табиий ва иқтисодий районлар шаклланмасди, уларсиз эса географияга ҳам ўрин йўқ.

Ўтган асрнинг 20-30 йилларида рус геосиёсатчилари “боқувчи ландшафт” ғоясини олдинга сурган эдилар. Дарҳақиқат, ҳозирги очик, эркин иқтисодиётда бирор-бир ландшафт тури ёки маъмурий-ҳудудий тизим

бошқалардан ажралган, натурал хўжалик кўринишида ривожлана олмайди. Шу боис ҳам тоғ ресурслари текисликда қайта ишланади ва бу маҳсулотлардан тоғликлар ҳам фойдаланади. Аммо, бундай айланма ҳаракат, ҳамкорлик адолатли ва экологик жиҳатдан ўзаро манфаатли бўлмоғи лозим.

Географик жиҳатдан қараганда тоғлар нафақат майдонининг нисбатан кичиклиги билан, балки ландшафт ва хўжалик тармоқларининг бир томонламалиги ёки чекланганлиги бўйича ҳам фарқ қилади. Тоғларда асосан тоғ-кон саноати, рекреация ва туризм, яйлов чорвачилиш, терасса шаклида қисман лалмикор деҳқончилик, боғдорчилик ривожланади. Текисликлар эса чўл, ўзлаштирилган воҳалар, ўрмонзорлар ва ботқоқликлардан иборат. Текисликда транспорт тизими, кўп тармоқли қайта ишлаш саноати ва деҳқончилик яхши йўлга қўйилган.

Тоғ минтақаларининг ижтимоий (социал) географияси янада ўзгача. Тоғликларга хос танглик, ҳаракатчанлик, мўлжалли ва тежамкор бўлиш, хушёрлик ва тадбиркорлик мазкур ҳудудда яшовчиларнинг ҳаёт тарзи, турмуш шароити, урф-одати, хулқ-атворини белгилаб беради. Шунга ўхшаш минтақавий хусусиятлар, бу жойларнинг бетакрор социал маконини (муҳитини) юзага келтиради. Тоғликлар, одатда, жисмонан соғлом, ихчам, чидамли, чаққон, тиришқоқ, ҳар қандай вазиятдан ҳам чиқа оладиган бўлади. Айни вақтда, тоғлар бу ерда яшовчиларни “яширади”, яхши-ёмондан сақлайди, қўриқлайди. Шунинг учун бўлса керак, олис тоғ қишлоқларида илгариги тиллар, шевалар, азалий удумлар сақланиб қолган. Масалан, Зарафшон дарёсининг юқори қисмида, ҳозирги замон цивилизацияси-маданиятидан узоқроқ жойлашган қишлоқда қадимги суғд тили сақланиб қолган экан, Сурхондарёнинг Бойсуни, Қурама тоғларида яшовчилар эса ўзларининг қадимги қўшиқ ва рақслари, фольклор ансамбллари билан машҳур.

Тоғ минтақаларида арзон ишчи кучи кўп, аммо деҳқончилик учун яроқли ер оз; инфраструктура тизимининг яхши ривожланмаганлига, ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш имкониятларининг чекланганлиги (бу ерларда қишлоқ ва кичик шаҳарлар тор дарё водийлари бўйлаб тасмасимон чўзилиб ётади, ёки тоғ ён-бағрларига “ёпишиб” туради, иқтисодиёт тармоқлари ҳам ёппасига эмас, оролсимон жойлашган), ўзига хос ижтимоий ва иқтисодий географик вазиятни вужудга келтиради. Тоғминтақалари этник жиҳатдан ҳам фарққилади. Шу боис, Доғистонсер миллат, Тоғли Бадахшон (Помир) серэлатдир. Айни вақтда тоғликларнинг жанговорлик хусусиятларини ҳам инкор этмаслик керак. Марҳум домламиниз-профессор Ҳамидулла Хасанов пуштунларни жаҳонда тенги йўқ мерганлар деб ўқитган эдилар. Чиндан ҳам, тоғ халқи ёшлигиданоқ дидли, тик тоғ қоялари, тор йўлларида юришга одатланишади. Тоғликлар ҳамма вақт шошилиб, тез юришга ўрганишган.

Ўзимизнинг шарқ урф-одати бўйича тоғлар мукаддас, уларга диний мазмун ҳам берилади. Қирғизистондаги Сулаймон тоғи, Арслонбоб, Тожикистондаги Қизилмозор-бобо, ўзимиздаги Оқсоқ-ота, Султон Увайс кабилар қадамжой, маҳаллий халқларнинг зиёратгоҳлари, саждагоҳлари ҳисобланади. Тоғ суви зилол, ҳавоси тоза, осмони мусаффо, шундоққина теппангиздаги ёрқин юлдузлари чарақлаб туради.

Аммо, кўпгина жаҳон мамлакагларида айнан тоғликларнинг яшаш даражаси паст; бу ерда юзага келган ижтимоий танглик, ночорлик кишиларни ниҳоятда тежамкор бўлишга ундайди, уларни ҳаво баъзан жамият учун хавфли йўлларга чорлайди (гиёҳвандлик ҳам асосан тоғ минтақаларидан келиб чиққан); оила аъзоларининг кўпайиши билан уларни боқиш орасидаги мутаносиблик бузилади, деҳқончилик учун яроқли ерларнинг танқислиги аҳолининг мутлоқ кўплигини юзага келтиради. Натижадаишсизлик,

геокриминоген вазиятнинг бузилиши келиб чиқади, ёшларнинг иш қидириб “пастга”, текисликка тушиши эса тоғ минтақаларининг демографик вазиятини ҳам ўзгартиради.

Айрим давлатларнинг чегаралари тоғ тизмалари орқали ўтган. Турли хил сиёсий вазиятларда улар мамлакатнинг “суянган тоғи”, умуртқа поғонаси, мустаҳкам қалқони, ҳимоячиси бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга ҳозирги даврдаги аксарият можаролар, миллатлараро келишмовчиликлар айнан тоғли ҳудудларда кузатилмоқда (Болқон ярим ороли, Афғонистон, Тоғли Қорабоғ, Чеченистон, Доғистон, Жанубий Американинг айрим мамлакатлари ва ҳ.к.) Бундай жойлар халқаро терроризмнинг ҳам ўчоғига айланган ва бу ўчоқлар олови сўндирилса ҳам яна анча вақт тутаб туради. Яхши геосиёсий вазиятда эса авваллари мамлакат ва минтақаларни ажратиб, тўсиқ бўлиб турган тоғлар эндиги шароитда уларни боғловчи вазифасини бажармоқда. Бу борада айниқса “халқаро” ёки мамлакатлараро тоғ тизмалари муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бу жойларда йирик, шўх ва серсув дарёлар шаклланади, улардан биргаликда фойдаланиш эса давлатлар ўртасидаги иқтисодий интеграция жарасини ривожлантиришга имкон беради.

Яқин ўтмишда ўзимизнинг тоғ ҳудудларимизда – Тошкент вилояти ва жанубий минтақалардаги нохуш воқеалар тоғларни ҳарбий географик жихатдан ўрганишнинг зарурлигини кўрсатиб берди. Чиндан ҳам ҳарбийларимизнинг тоғ шароитида ўз вазифаларини адо этишларида бундай билимлар жуда ас қотади.

Демак, тоғлар уларнинг мамлакат ҳудудида қандай жойлашуви (ўртада, четда, кенглик ёки меридиан йўналишда), баланд-пастлиги, қари ёки ёшлиги катта иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва географик мазмун касб этади. Тоғларнинг ҳарбий-стратегик аҳамияти ҳам сир эмас, улар ўзларининг

геологик хусусиятларига кўра турли хил маъдан ва минерал сувларга бой. Шунингдек, мамлакатнинг орографик ҳолати унинг ягона геосиёсий тизим шаклида ривожланишига таъсир қилади. Жумладан, Тожикистон ва Қирғизистон республикалари ҳудудий-сиёсий тузилишининг ўзига хослиги уларнинг жанубий ва шимолий қисмларини баланд тоғ тизмалари орқали ажралиб туриши, бу минтақаларнинг иқтисодий ва транспорт географик ўрни, тарихий ва ижтимоий ривожланиши жиҳатдан маълум даражада фарк қилиши билан тавсифланади. Самарқандни Амир Темур давлатининг пойтахти қилиб олинишида ҳам қисман унинг тоғ этагида жойлашганлиги, харбий ва геостратегик мавқеи сабаб бўлган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, тоғ ва текислик бир жуфт, ўзаро алоқада; уларнинг ҳар иккисини ҳам ижобий ва салбий томонлари мавжуд. Аммо, ер юзида ёмон жой йўқ, нодон географ бор. Бинобарин, тоғ ҳам яхши, текислик ҳам, уларнинг ҳар иккиси ўзгача яхши. Географлар бу рельеф шаклларига бир хил, яъни тенг, уларни камситмасдан қарашади, айтилиши вақтда уларнинг ҳар хиллиги, турли-туманлиги бу фаннинг моҳият, мазмун ва мақсадини акс эттиради.

Аммо негадир тоғларга алоҳида урғу берилади. Масалан, тоғ асали, тоғ спорти, тоғ туризми, тоғ қимизи, тоғ касаллиги, тоғ шамоли, тоғ саноати, тоғ йили, тоғ эчкиси, тоғ ялпизи, тоғ дастури ва ҳоказолар бор-у, бироқ уларнинг текисликка оид айтилиши йўқ. Аслини олганда, тоғ тушунчаси нисбий; эҳтимол тепалликлар учун тоғ бу Эверест (Жамолунгма) чўққисидир, Шимолий Европа, Белорусь халқи учун эса оддий тепалик ҳам тоғдир (Япониялик шаҳар деганда Токиони тушунар экан)⁴.

⁴Солиев А. Тоғ минтақаларининг иқтисодий ва ижтимоий географияси // Тоғ ва тоғ олди ҳудудларидан фойдаланишнинг географик асослари. –Т.: ЎзМУ, 2001, 86-б.

Тоғ ва текислик доимо ҳамкорликда, тоғ оралари сойларида текислик фойдаланади, сойларнинг қуйи қисмида воҳа ва воҳачалар, уларнинг сиғимига мос шаҳар ва хўжалик типлари вужудга келади. Бунга Фарғона водийси яққол мисол бўла олади.

Тоғлар йирик гидроэнергетика манбаига эга, уларда қатор сув электр станциялари қурилган. Жумладан, дунёдаги энг йирик Итайпу ГЭСи (қуввати 12 млн.квт) Бразилия ва Парагвай чегарасида барпо этилган. Внесуэлладаги Гури ГЭС 10 млн, АҚШ нинг Гран Кули ГЭСи 9,7, Россиянинг Саян-Шушен ГЭСи 6,3 млн квт. қувватга эга. Уларнинг барчаси тоғ ҳудудларида барпо этилган. Тоғларнинг, ажойиб манзараси, тоғ кўллари, қор ва музликлари, шаршаралари, ғорлари, чўққилари, доривор ўсимликлари ва бошқалар киши эътиборини ўзига жалб қилади.

Тоғ ландшафти йилнинг 4 фаслида ўзгача гўзал. Унинг жозибали ва дилкаш кўриниши айниқса баҳор ва ёз ойларида кишига ором, яхши кайфият, кўтаринки руҳ бағишлайди, илмий ижод соҳиблари учун эса янгича завқу-шавқ, илҳом беради, фикрни уйғотади ва чархлайди (бинобарин, “тоғларга боқ тоғларга” диб бежиз қўшиқда айтилмайди), Доғистон тоғлари Расул Гамзатовни, Қирғизистоннинг тоғли ҳудуди Чингиз Айтматовнинг дунёга машҳур этди.

Тоғ, тоғ ландшафт, унинг тик (вертикал) минтақаларини қиёсий географик ўрганиш буюк немис олими Л.Гумбольдни табиий географиянинг асосчиси, Тангри-тоғ эса П.П.Семеновни “Семенов-Тяньшанский” қилди. Қизиғи шундаки, дунё аввал энига, сўнгра бўйига- баландлик ва чуқурлик томон ўрганила бошланди, баландлик, яъни тоғлардан кейин кишилар коинот сирлари билан қизиқишди. Бундай тадқиқотлар хусусан Буюк географик кашфиётлардан кейин, дунёнинг барча қисмлари очилгандан сўнг авж олди.

Тоғликлар текисликларни ўзлаштиришда фаол қатнашишди, аммо бу ерда вужудга келган экологик муаммоларга ҳам «шерик» бўлишди. Ҳозирги кунда энди улар чўлларнинг “шўрини қуритишмоқда”. Собик шўролар даврида тоғларда кичик қишлоқлар “истикболсиз” ҳисобланиб, уларнинг аҳолиси мажбуран текисликларга, урбанизациялашган ҳудудларга кўчирилди. Аммо кўп ўтмасдан улар яна тоғ ҳаётини қумсаб киндик қонлари тўкилган жойларига қайтишди.

Бир вақтлар тоғлар цивилизация маркази бўлган-бунга Марказий ва Жанубий Америкадаги қадимги майя, инк, ацтека маданияти, Тибет тиббиёти ва бошқалар далил бўлиши мумкин. Қишлоқ, хўжалик экинларининг дастлабки ўчоқлари ҳам айнан тропик ва субтропик ўлкаларидаги тоғ ҳудудлари бўлган (Перу, Мексика, Ҳабашистон ва б.) Бизнингча, оламшумул (глобал) миқёсда тараққиёт, цивилизация деб аталмиш маданият яна ғарбдан шарққа, шаҳардан қишлоққа, текисликдан тоққа кўчмоқда. Ҳозирги авлод ана шундай ўзгаришлар бошланишида яшамокда.

Таъкидлаш жоизки, тоғларнинг вертикал (тик) минтақалари фақат табиий географик мазмунгагина эга эмас; турли хил баландликларда хўжалик турлари ва ихтисослашувн, кишиларнинг ҳаёт шароит на яшаш тарзи ҳам ҳар хил.

Кейинги йилларда содир бўлаётган Ер юзи иқлимидаги ўзгаришлар, сув тошқинлари каби табиий офатлар тоғлар нуфузини янада оширади. Бироқ, тоғлар, тоғликлар ўзларининг муаммоларини ўзлари хал этишга қодир эмас, улар бу борада ёрдамга муҳтож ва “муаммоли ҳудуд” ҳисобланади. Бинобарин, тоғларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, экологик ҳолатининг яхшиланиши давлатларнинг алоҳида, махсус мингақавий сиёсатида кўрилиши мақсадга мувофиқдир.

2.2. Тоғ ва тоғолди минтақаларидаги иқтисодий салоҳият ва ҳудудларда инфратузилма тизимини ривожлантириш

Тоғ ва тоғолди минтақаси саноат ишлаб чиқариш тарихида энг аввало тоғ-кон саноатининг бешиги сифатида танилгани маълум. Метал (бронза) ишлаб чиқарилишига асос солинган даврлар (милoddан олдинги 1 мингинчи йиллик)дан бошлаб мамлакатимизнинг тоғ ва тоғолдиҳудудлари (масалан, Чатқол-Қурама, Ҳисор каби тоғларда дастлабки конларни ўзлаштириш асосида примитив ҳолдаги кичик метал эритувчи ўчоқ излари кўплаб аниқланган. Ўз ўрнида улар, табиийки, кейинчалик бу ҳудудларда турли бошқа саноат тармоқларининг шаклланиши ва ривожланишига асос бўлган. Аҳоли жойлашиши ва моддий ишлаб чиқариш учун анча бой табиий имкониятларга эга бўлганлиги туфайли мазкур минтақада тарихий даврлардан бошлаб Оҳангарон, Паркент, Қува, Ургут, Нурота, Шаҳрисабз, Бойсун каби муҳим ишлаб чиқариш марказлари шаклланган. Қолаверса, қадимий Самарканд, Тошкент, Чуст, Ғуздор, Шеробод каби катта ва кичик шаҳарлар ҳам тоғ олдида туташ бўлган ҳудудларда юзага келган ва ривожланган.

Тоғ ва тоғолди минтақасининг Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишидаги ҳозирги ўрни янада юқорирокдир. Қазиб чиқарилаётган кўмирнинг барчаси, турли метал рудалари, кимёвий минераллар ва қурилиш материалларининг катта қисми ана шу минтақа ҳиссасига тўғри келмоқда. Бинобарин, у республика тоғ-кон саноатининг асосий масканидир. Республика ҳудудининг 1/4 қисмини эгаллаган мазкур минтақа Ўзбекистон тоғ-кон саноати маҳсулотларининг 4/5 қисмини етказиб бермоқда. Агар истеъмолга тайёр бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган бошқа саноат тармоқлари улуши ҳам ҳисобланадиган бўлса, минтақанинг саноат

ривожланишидаги ҳиссасининг яна юқори эканлигини тушуниб етиш қийин эмас.

Ўзбекистон тоғ ва тоғолди ҳудудлари орасида Сурхондарё вилоятининг ўрни алоҳидадир. Мутлоқ баландлиги 600 м дан юқори бўлган ҳудудлар вилоят умумий майдонининг 64 фоизини эгаллайди. Бу кўрсаткич бўйича республикада биронта вилоят Сурхондарёга тенглаша олмайди. Вилоят республика ҳудудининг атиги 4,6 фоизини эгаллагани ҳолида жами тоғ ва тоғолди майдонларининг 13,9 фоизини ташкил қилиши ҳам ана шу ҳулосани тасдиқлайди. Бу Сурхондарё вилоятининг тоғ ва тоғолди ҳудудларининг саноат салоҳияти анча катталигидан дарак беради.

Дарҳақиқат, вилоятнинг асосий минерал бойликларининг муҳим конлари асосан айнан тоғ ва тоғолди минтақаси заминидан топилган. Ишга туширилган конлар қошида кўплаб замонавий шаҳар ва шаҳарчалар фаолият кўрсатмоқда. Шулар орасида Шарғун- республикамизнинг муҳим иккинчи кўмирчилар шаҳридир. Денгиз юзасидан 1250 м баландда жойлашган ва қадимий ишлаб чиқариш ҳамда маданият маркази сифатида танилган Бойсун эса республикамиздаги учинчи кўмирчилар шаҳри мақомига ҳам эга бўлиб бормоқда. Салкам 1000 м мутлоқ баландликда Тупалон ГЭСи (қуввати 175 минг квт.) қурилиши жадал олиб борилмоқда. Қўҳитанг тоғлари этакларида мустақиллик йилларида Хўжаикон тузни қайта ишлайдиган замонавий корхона ишга туширилди. Ҳозирги вақтда мамлакатнинг истеъмол тузига бўлган эҳтиёжининг асосий қисми ана шу корхона ҳисобига қондирилмоқда. Булар вилоятнинг тоғ ва тоғолди ҳудудларида ҳозиргача барпо қилинган тоғ-кон саноатининг айрим марказларидир.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, Сурхондарё вилоятининг тоғ ва тоғолди ҳудудлари ўртача баландлиги бошқа вилоятларнинг ана шу кўрсаткичларига нисбатан анча юқорилиги билан ҳам ажралиб туради. Вилоят тоғлари

умумий майдонининг тахминан 1/3 қисмини баланд тоғлар (мутлоқ баландлиги 2500 м дан юқори) эгаллайди. Шу сабабли, биринчидан ҳудуднинг минерал ресурсларини чуқур ўрганишга эришилмаган, иккинчидан, рельефнинг мураккаблиги сабабли аниқланган конларнинг кўпчилигини ҳали ўзлаштириш бошланган эмас. Жумладан, катта маблағлар сарфлаш талаб қилингани учун анча йирик Хондиза полиметал конини Буюк Британия капитали билан ҳамкорликда ишга солишга ҳозирлик кўрилмоқда.

Тоғ ва тоғолди ҳудудларида умумий пастдан - тоғолди адирларидан юқори - тоғ минтақасига кўтарилган сари саноатнинг бошқа тармоқлари ривожланишида ҳам тобора пасайиш кузатилади.

2.3. Минтақаларнинг рекреацион имкониятлари, улардан фойдаланиш ва истиқбол

«Рекреация» сўзи-соғлиқни тиклаш, дам олиш маъноларини билдиради. Рекреация ресурслари саёҳат, туризм ҳамда даволаниш мақсадида фойдаланиш мумкин бўлган табиат объектларидир. Уларга асосан тоғ ёнбағирлари, ўрмонлар, ўтлоқлар, дарё, кўл, денгиз соҳиллари, минерал бу-лок кабилар киради.

Ўзбекистон ҳудудининг жанубий ва шарқий қисмларини тоғлар ташкил этади. Бу эса ўз ўрнида тоғ ёнбағирларида табиий рекреация ресурсларининг кўплигидан далолат беради. Шу сабабли ҳам республикамизнинг тоғли минтақаларида кўплаб даволаш-соғломлаштириш муассасалари жойлаштирилган. Айниқса мамлакатимизнинг шарқий қисмида жойлашган, атрофи тоғлар билан ўралган Фарғона водийсида кўплаб дам олиш масканлари, сиҳатгохлари бунёд этилган.

Водийнинг шимолий қисмида Наманган вилоятидаги Чортоқ, Косонсой, Чодаксой, Ғовасой, Пошшаотасой каби тоғлардан оқиб тушувчи сойлар бу ерда бир қанча дам олиш ва даволаниш муассасалари қурилишига

таъсир кўрсатган. Водийнинг жануб томонида Чимён, Шохимардон, Қизилтепа, Фарғона, Ропқонга ўхшаш дам олиш ва даволаниш масканлари жойлашган. Шунингдек, водийдаги Қурбон кўли ҳам аҳолининг севиб дам оладиган жойларидан биридир.

Водийнинг шарқий қисмида-Андижон вилояти ҳудудида Полвонтош, Жанубий Оламушук, Марҳамат ва бошқа дам олиш масканлари мавжуд. Шу билан бирга Фарғона водийсида маданий-тарихий рекреация ресурслари ҳам талайгина (Худоёрхон саройи, Шохимардондаги тарихий ёдгорликлар ва бошқалар).

Мамлакатимизнинг Чирчиқ, Охангарон табиий географик ўлкасида ҳам харбий рекреация ресурслари кўп. Водий шарқ томондан тоғлар билан ўралганлиги сабабли тоғолди ва тоғ ёнбағирларида кўплаб дам олиш ва даволаниш масканлари бунёд этилган. Улардан Оқтош, Хумсон, Чорвоқ, Чимён, Кумушкон кабилар катта аҳамиятга эга.

Минтақадаги Чорвоқ, Охангарон, Туябўғиз сув омборларининг мавжудлиги ҳам минтақа ва республикамиз аҳолисининг сеvimли дам олиш манзилларидан ҳисобланади. Чимён тоғ ёнбағирларида эса қишин-ёзин аҳолининг мароқли дам олиши учун шароитлар етарли. Водийда қадимги тарихий ёдгорликлар ҳам кўплаб сақланиб қолган (Зангиота, Бароқхон, Кўкалдош мадрасалари ва бошқалар).

Республикамизнинг марказида Зарфашон водийси жойлашган бўлиб, унинг шимол-шарқи, шарқи ва жануби тоғлар билан ўралган (Туркистон, Зарафшон, Қоратоғ, Оқтоғ, Зиёвиддин Зирабулоқ тоғлари). Водий маъмурий жиҳатдан Самарканд, Бухоро ва Навоий вилоятларини ўз ичига олади. Минтақада маданий ва тарихий рекреация ресурслари кўплаб сақланиб қолинган. Шу боис Ўзбекистонга келадиган чет эллик саёхларнинг 40 фоиздан кўпроғи бевосита шу минтақага тўғри келади.

Айни вақтда бу ер табиий рекреация ресурсларига ҳам бой. Жумладан, минтақада кўплаб минерал булоклар топилган ва улар асосида санаторий ҳамда дам олиш уйлари ташкил этилган (Ситораи Мохи Хоса, Оғалиқ, Ибн Сино, Самарканд ва бошқалар).

Республикамизнинг Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ҳам тоғли ҳудудларга эга бўлиб, бу ерларда рекреация ресурслари кўп.

Жумладан, Жиззах вилоятининг жанубий қисмида- Туркистон тизма тоғлари ёнбағирларида қатор дам олиш ва даволаниш масканлари жойлашган (Хавотоғ, Ўрикли, Зомин, Бахмал ва б.). Шунингдек, вилоят ҳудудида Зомин тоғ-ўрмон, Навоий вилоятида Нурота тоғ-ёнғоқзор кўрикхоналари ташкил этилган.

Қашқадарё вилоятининг шимоли-шарқ ва шарқ томонлари тоғлар билан тўсилган. Унинг бу ҳудудида кўплаб манзарали жойлар мавжуд бўлиб, оромгоҳ ва сихатгоҳлар қуриш учун имкониятлар етарли. Бироқ, вилоят аҳолиси тез суръатлар билан ўсаётган бўлишига қарамасдан бу ерда республикамиз бошқа минтақаларига нисбатан дам олиш ва даволаниш масканлари озроқ.

Сурхондарё вилояти мамлакатимизнинг энг чекка жанубида Кўҳитанг, Бойсун, Боботоғ, Ҳисор тоғлари оралиғида жойлашган. Унинг ҳудудига совуқ ҳаво массалари кира олмаслиги қулай иқлим шароитини ҳосил этган. Минтақада кўплаб шифобахш минерал сувлар борлиги аниқланган. Айниқса, Жайронхона минерал суви катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, Учқизил сув омбори дам олиш учун қулай имкониятлар беради. Тоғ ёнбағирларида кўплаб дам олиш масканлари бунёд этилган.

Республика тоғли ҳудудларида мустақиллик йиллари саёҳларнинг мароқли дам олишлари учун бир қанча ишлар амалга оширилди. Бу ерларга

ташриф буюрган дам олувчиларга давлат ҳамда хусусий дам олиш уйлари ва пансионатлар хизмат кўрсатмоқда.

Ўзбекистон аҳолисининг дам олиш, даволаниш, туризм масканларининг хизматига бўлган талабини қондиришда Тошкент вилоятининг рекреацион имкониятлари муҳим ўрин тутди. Вилоят ҳудудининг хўжалик нуқтаи-назаридан юқори даражада ривожланганлиги ва бу ерда инженер-қурилиш шароитининг ҳар хиллигига қарамадан унинг ноёб табиий-рекреацион ресурслари ва фақат вилоят, балки қўшни ҳудудлар аҳолисини унга бўлган талабини ҳам қондириши мумкин.

Майдони 15,6 минг км², аҳолиси 4,5 миллиондан биров ортиқ бўлган Тошкент вилояти географик ўрнини кўлайлиги, унинг бошқа вилоятларга нисбатан иқтисодий, ижтимоий томондан тез ривожланиши, унинг вилоятлар орасида алоҳида мавқега эга бўлиб қолишида муҳим омилдир. Вилоятдаги дарёларнинг кенг қайирлари ўзига хос маданий ландшафтлари ва тўқайлари билан; мевазор ва ёнғоқ ва арчазорлардан иборат ўртача баландликдаги тоғлари ва яйловлар билан банд баланд тоғлари биргаликда ўзига хос рекреация минтақаларини ташкил этади. Бунда тоғлар орасида Чирчиқ водийсида қурилган Чорвоқ ва Ходжикент сув омборлари, Оҳангарон водийсида бунёд этилган Ангрен ва Тошкент сув омборларининг, каналларнинг ва вилоятда жуда ҳам кўплаб топилган ер ости минерал сувларининг мавқеи алоҳидадир.

Иқлимий жиҳатдан рекреация учун энг қулай шароит вилоятда ўртача баландликдаги тоғларининг ўрмон-ўтлоқ-дашт минтақасига (800-900 метрдан 2500-3000 метр абсолют баландликдаги ҳудудларга) тўғри келса, гидрогеологик жиҳатдан эса чўл (0-300 м) ва тоғ олди чўл-дашт ва қуруқ дашт (300-1200 м) минтақаларига тўғри келади.

Вилоят табиий-рекреацион ресурсларидан рекреация нуктаи-назаридан қуйидаги 4 та йўналишда фойдаланиш мумкин. Булар аҳолини соғломлаштиришда, спортда, табиатни ўрганишда ва аҳолини даволашда муҳим ҳисобланади.

Тошкент вилояти табиий -рекреация ресурсларини таҳлили асосида унинг Чирчиқҳавзаси қисмида Чирчиқ-Паргос. Хумсон-Оқтош, Чимён-Белдерсой, Бурчмулла-Нанай, Оксокота-Паркент каби рекреация минтақаларини ажратиш мумкин. Улар ичида рекреация нуктаи-назаридан энг қулайи Чирчиқ водийсининг ўрта ва юқори қисмида ажратилган Хумсон-Оқтош, Чимён-Белдирсой ва Бурчмулла-Нанайминтақаларидир. Қуйида улар ҳақида қисқача маълумот беришга ҳаракат қилиб кўрамыз.

Хумсон-Оқтош минтақаси. Бунда рекреация учун энг аҳамиятлиси Хумсон қишлоғидир. У Угом тизмаси ғарбий чеккасининг жанубий-шарқий ёнбағриларида, Коржонтоғнинг жанубий ёнбағрида, Угом дарёси бўйида жойлашган бўлиб, майдони 15минг гектар, аҳолиси 3,3минг кишини ташкил этади. Аҳолиси асосан ўзбеклардан ташкил топган бу қишлоқ 800-1000 м абсолют баландликларда жойлашган. Хумсон-Оқтош минтақасининг ўзига хос такрорланмас ландшафтлари, иқлими, этник хусусиятлари минтақада атроф- муҳитни ифлослантирувчи саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг йўқлиги ва республикампойтахти Тошкент шаҳрига яқин жойлашганлиги (60-90 км) унинг ҳудудини рекреацион минтақаси деб тан олишда муҳим аҳамият касб этади. Хумсон-Оқтош минтақасида май-сентябр ойлари оралиғи туристик мавсум ҳисобланади. Бу даврда Хумсонда 10 000, бутун минтақа ҳудудида эса 120 000 гача аҳоли дам олиши, сайр- сайёҳат, қилиши даволаниши мумкин ва бу даврда улар альпинизм, треккинг (кўп кунлик сайр-сайёҳат), рафтинг (Угом дарёсида оқим бўйлаб сузиш), отда сайр қилиш, балиқ овлаш билан шуғулланишлари, ундан ташқари йил

давомида фаолият кўрсатадиган «Хумсон», «Оқтош» санаторийларида, «Хумсон-булоқ» дам олиш уйида ва шуларга ўхшаш кўплаб давлат ва шахсий дам олиш масканларида хордиқ чиқариб, даволанишлари мумкин.

Бурчмулла-Нанай минтақаси. Бу минтақа ўз ичига Чорвоқ сув омборининг жануби-шарқида, Писком ва Кўксу тизмаларининг энг чекка ғарбий тармоқлари этакларида жойлашган, абсолют баландлиги 900-1000 м атрофида бўлган Бурчмулла, Яккатут, Янгикўрғон, Юсупхона, Боғистон, Нанай каби қишлоқларни ва улар орасидаги ҳудудларни ўз ичига олади. Бу минтақада рекреация нуктаи-назаридан энг аҳамиятлиси Бурчмулла қишлоғи бўлиб, унинг майдони 15000 гектар, аҳолиси 4,1 минг киши бўлиб, асосан этник тожиклардан ташкил топган. Бурчмулла ва унинг атрофида дам олувчиларни жалб қиладиган объектларга (масканларга) Кўлсой дарасини, Оҳотничий чўққисини, Кўксув водийсини, Чорвоқ сув омборини киритиш мумкин. Бу масканларда дам олувчилар ҳозирги кунда Чорвоқ сув омборида чўмилишлари, кўп кунлик ва бир кунлик сайр-сайёҳат уюштиришлари, кадамжойларни зиёрат қилишлари, отда сайр уюштиришлари, алпинизм, балиқ овлаш билан шуғулланишлари, шахсий секторга қарашли оромгоҳларда ва «Олтин ёмби» дам олиш уйида хордиқ чиқаришлари мумкин. Бурчмулла-Нанайга келаётган сайёҳларнинг 80 уюшмаган фоизи пойтахт аҳолисидир. Чегара режими, хизмат кўрсатишнинг талаб даражасида эмаслиги кўплаб чет элликларни бу минтақага дам олишга жалб қилиш имконини бермайди. Ҳозирги кунда Бурчмулла-Нанай минтақасида мавсумда 100-150 минг атрофида аҳоли дам олмоқда. Келажакда уларнинг сонини, юқорида келтирилган муаммолар ижобий ҳал қилинса, 350 минг кишига етказиш мумкин. Бу яна тоза ҳаво, Қуёш нури, сув ва доривор ўсимликлардан фойдаланиб даволаш пунктларини ташкил қилишни, Чорвоқ

сув омбори бўйида пляжларни, тиббий ва қутқарув хизматини талаб даражасига келтиришни тақазо қилади.

Чимён-Белдирсой рекреация минтақаси. Угом-Чотқол миллий парки таркибида бўлиб, унинг ичида рекреация учун энг аҳамиятлиси Чимён қишлоғи бўлиб, у пойтахт Тошкент шаҳридан 80 км шимолий шарқда, Чорвоқ суз омборидан 12 км жанубда. Чотқол тоғ тизмасининг денгиз сатҳидан 1600 метр баланд қисмида жойлашган.

Чимён қишлоғи уни ўраб турган тоғлари билан саргузаштли туризм ишқибозларини ўзига жалб қилади. Минтақанинг Тошкент шаҳрига яқинлиги, унда атроф-муҳитни ифлослантирувчи саноаткорхоналарининг йўқлиги, иқлимининг йилнинг ҳамма фаслларида ҳам қулайлиги (юмшоқлиги), умуман табиатининг мафтункорлиги, хилма-хиллиги, табиий ресурсларга бойлиги, аҳолисини, маданияти ва урф - одатлари бу минтақада на фақат туризмни балки, экотуризмни ҳам ривожланишига кенг имкониятлар очиб беради.

Чимён-Белдирсой биз юқорида таҳлил қилган минтақалардан спорт-туристик инфратузилмани яхши йўлга қўйилганилиги билан ажралиб туради. Шунинг учун унда дам олувчилар сони ёз мавсумида ҳафтанинг иш кунларида ҳар куни 3000 тага, якшанбада эса 10 000 тагача, қишда эса дам олиш кунлари 5000 тагача етади. Агар минтақада дам олувчилар, даволанувчилар учун ҳамма имкониятлар яратилса унга ташриф буюрувчилар сони йил давомида 350 мингтагача етиши мумкин. Ҳозир Чимёнда меҳмонхона ресторан, 2 та осма йўл, чанғи учиш трассалари ишлаб турибди, Чимён яқинидаги Белдерсойда эса жаҳон стандартларига жавоб берадган чанғи учиш трассаси фаолият кўрсатмоқда.

Молгузар тизмаси жанубий Тяншан тизимига кирувчи Туркистон тизмасининг энг шимолгй - ғарбий тармоғи бўлиб Мирзачўлнинг жанубида

жойлашган. Молгузар тизмаси шимолий ёнбағри тоғ ва тоғ олди текислиги 390, 301 ва 400 шимолий кенгликлар оралиғини, 680 шарқий узунлик атрофини ўз ичига олади. Тизма Сангзор дарёси ҳавзасининг шимолий сувайирғичи ҳисобланади. Шарқда Гўралаш давонидан (2710 м) шимолий - ғарбда Амир Темур дарвозасигача (Илон ўтди дараси) давом этади. Молгузар тизмаси ғарбдан (900м) шарққа томон кўтарилиб боради, энг баланд нуқтаси Шўрбел давони (2621м) деярли тизманингмарказига тўғри келади. Тизма ўрта қисмидан шарққа томон яна пасая бошлайди.

Маъмурий жиҳатдан Молгузар тизмаси Жиззах вилоятининг қисман Ғалла орол тумани ҳудуди, ҳамда Жиззах туманининг жанубий қисмидан, Зомин туманнинг ғарбий қисмидан ва Зарбдор туманининг бир қисмидан иборат. Молгузар тизмаси шимолий ёнбағридаги тоғ ва тоғолди текисликлари шимолдан жанубга 35 км га, ғарбдан шарққа 65 км га чўзилган, ҳудуднинг умумий майдони 2 минг квадрат километрдан ортиқ. Молгузар тизмаси рекреацион ресурсларига бой ҳудуд. Молгузар тизмаси тоғ ёнбағрлари табиатининг бениҳоя гўзаллиги, ҳавосининг ўта софлиги, арчазорлари, тоғ ёнбағрлардалиги боғларисўлим масканлари, булоқлари, қадимий обидалари, ғорлари, билан кўзга ташланади. Улар сайёҳлик йўналишларини очишга, дам олиш минтақалари барпо этиш, альпинизмни ривожлантириш учун жуда қулай имкониятларни яратишга самарали хизмат қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида Молгузар тизмасининг ички имкониятларидан келиб чиқиб, машҳур курортлардан қолишмайдиган ажойиб дам олиш масканларини ташкил этиш асосий масала бўлиб қолмоқда. Буни аввало илмий изланишлар ва кузатувлар асосидагина ҳал қилиш мумкин. Экологик инқироз кучайиб бораётган бир пайтда одамларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун санаторий-профилакторийлар, дам олиш

уйлари ва пансионатлар, болалар оромгоҳларини сонини аввало маҳаллий рекреация ресурслари ҳисобига ошириб бориш назарда тутилмоқда. Ҳозирги вақтда Молгузар тоғ тизмасида бир неча иқлимий ва даволаниш масканлари фаолият кўрсатмоқда.

Жиззах ўрмон хўжалиги ҳудудлари, сойлардаги шаршаралар, қирлар бағридаги юзлаб булоқлар, саҳий табиатнинг ўзига хос неъматидир. Зомин ўрмон хўжалигига қарашли ўрмонлар (арчазорлар, бодомзорлар, бутазорлар), Зомин тоғ ўрмон қўриқхонасининг ғарбий участкалари, у ердаги сойлар, оқар сувлар натижасида пайдо бўлган ажойиб ғаройиб рельеф шакллари, улкан морена тошлариқўплаб ғорларҳақиқий табиий музейлардир. Молгузар тизмаси шимолий ёнбағриларида 30 дан ортиқ шифобахш ўсимликлар, оқ тирноқли айиқ, ёввойи чўчқа, бўрсик, олкор(тоғ эчкиси) жайра каби ҳайвонлар, қора турна, бурундик, тувалоқ, тус товук, каби қушларнинг 150 дан ортиқ турларимавжуд. Жиззах Миллий боғида ўрмон хўжалиги илмийтекшириш институтнинг Кулсой таянч пункти, “Зомин” санагорияси, ўндан ортиқ дам олиш масканлари жойлашган.

Молгузар тизмасининг шимолий ёнбағрларида бир неча ғорлар мавжудки, улар ҳали деярли ўрганилмаган. Пишоғорсойнинг юқори қисмида оҳақтош қатламларида Пишоғор ғори ҳосил бўлган.

Маҳаллий ҳаваскор ўлкашунослар Пишоғор ғорининг биринчи зали 300 метр, залнинг баландлиги 10-12 метр, эни эса 8-10 метр эканлигини аниқлаганлар. Ғор ичидаги тош ўчоқлар, ёзув ва тасвирлар ҳали ўрганилганича йўқ. Молгузар тизмаси шимолий тоғ ёнбағрларида кўплаб зиёратгоҳлар мавжуд. Кўп йиллик арчаёнғоқ ва бошқа ғорлар каби карст шакллари, баъзи кишиларнинг қабрлари шундай зиёратгоҳлар ҳисобланади. Шу сингари зиёратгоҳларга Равотсой ирмоғи бўлган Кўрпасой бўйидаги Парпи ота зиёратгоҳини Молгузар тоғининг юқори қисмидаги Молгузар ота

зиёратгоҳини, Учқизлар қишлоғи ёнидаги тебранма улкан тошларни ва бошқаларни киритишимиз мумкин. Молгузар тизмасининг шимол ёнбағрларига энг кўп дам олиш масканлари Зоминсой дарёсининг юқори қисмида жойлашган. Зоминсой ва Еттикечувсувсойлари бўйида ёғин нисбатан мўл, буғланиш кам, соф ва салқин шароит, тоғ ўрмонлар кенг тарқалган, тоза шифобахш ҳаво, рекреацион ресурслардан фойдаланишга катта имкониятлар яратилган. Буерда шаршара дам олиш маскани, Бухорои-шариф пенсионати, Мирзаширки пенсионати, Ўрикли пенсионати, Қашқасув пенсионати, еттита ўқувчилар ва болалар оромгоҳлари жойлашган. Улар ҳар йили минглаб кишиларга хизмат кўрсатмоқда. Шукннгдек бумасканда оналар ва болалар соғлигини тиклаш Зомин Республика санаторияси мавжуд.

Молгузар тизмасининг ғарбий қисмида Равотсойга келиб қуйилувчи Уобсой бўйида ҳам тўртта болалар оромгоҳлари мавжуд. Уобсойнинг энг юқори қисмида “Бўстон” болалар оромгоҳи қурилмоқда. “Пахтакор” болалар оромгоҳи, энг қуйи қисмида Жиззах Давлат Педагогика Институтига қарашли “Бобур” болалар оромгоҳи бор. Бу оромгоҳларда ҳам ҳар йили минглаб ўқувчилар дам оладилар ва соғликларини тиклайдилар.

Ўзбекистон тоғ ва тоғолди минтақалари ниҳоятда каттга экотуристтик салоҳиятлари билан Марказий Осиё давлатлари ичида алоҳида ажралиб туради. Ўзбекистонда 60 дан ортиқ инсон саломатлиги учун зарур минерал сув масканлари аниқланган.

Самарқанд вилояти тоғли ҳудудлари ҳилма хил сайёҳлик объектларгабой. Минтақанинг географик ўрнига кўра жануб ва шимоли-шарқ ва ғарбий томонларининг тоғ ва тоғликлардан иборатлиги (шимолда Оқтоғ, Қоратоғ, Ғўбдин, жанубда Чақликалон, Қоратепа, Зиёвуддин, Зирабулоқ) тоғ туризмини ташкил этишда аҳамиятлидир. Бу ўзига хос табиий ва ландшафт рекреация ресурсларининг вужудга келишига сабаб бўлган.

Минтақада ёғин ва иссиқликнинг тақсимланиши бирмунча ўзгарувчан бўлиб, тоғли ва текислик қисмида ёғин 300-450 мм., шарқий ва жануби-шарқий қисмларида ўртача 650-850 мм га етади. Шу сабабдан Самарқанд вилояти тоғ ва тоғолди минтақаси иқлимнинг ўзига хослиги унинг баҳор ва ёз ойларида мавсумий сайёҳликни ташкил этиш ва ривожлантириш учун катта имкониятлар яратади.

Самарқанд вилоятининг гидрологик ёдгорликлари, жумладан, тоғ этаклари ва тоғ оралиғи сойларида ҳосил бўлган табиат манзаралари, яъни тоғ шакллари, чуқурликлар, ғорлар, булоқлар, чашма сувлари ва ҳоказолар минтақа туризми имкониятларини оширади. Шунингдек, вилоятдаги мавжуд шифобахш ва тиббиёт каби соҳаларда кенг фойдаланиладиган булоқ, чашма сувлари ва балчиқлар аҳоли соғлиғини тиклаш, соғломлаштириш ҳамда дам олиш учун қулай шароит яратади. Бундай масканлар вилоятнинг Ургут, Самарқанд, Нуробод ва бошқа туманлари тоғ ва тоғолди ҳудудларида мавжуд бўлиб, улардан туризм мақсадида фойдаланиш имкониятлари юқоридир.

Омонқўтон маскани табиатнинг ўзига хослиги, ёғин миқдорини (Омонқўтонда 750-800 мм, Самарқанд шаҳрида эса 320-340 мм) воҳанинг бошқа жойларидан фарқ қилиши ўсимлик дунёсининг хилма хиллигини тامينлайди. Ана шу хусусиятларни эътиборга олган ҳолда 1887 йилда майдони 2158 гектар бўлган сунъий ўрмонзорлар барпо этилган. Бугунги кунда сайёҳларга Омонқўтон ҳавзасидаги ўрмонзорларни кўрсатиш учун қулай шароитлар яратиш, махсус йўлакчалар қуриш лозим.

Минтақа тоғ ва тоғолди ҳудудлари ниҳоятда ўсимлик дунёсига бой Жумладан, ранг-баранг ўсимликлар (ёнғоқ, олма, тоғолча, арчазорлар ва бошқалар) Омонқўтон ўрмонлари ўзига хос ландшафт шакллариини вужудга келтиради. Ушбу ҳудуд иқлим ва ўсимлик дунёсининг ўзига хослиги бу

жойда кўплаб дам олиш минтақалари, оромгоҳлар қуриш имкониятини берган.

Самарқанд вилоятида бундан ташқари, Оҳалик тоғ ўрмон дам олиш минтақалари мавжуд; бу ердаги дам олиш уйлари - «Ёшлик» туристик базаси ва бошқалар бевосита қулай иқлимий, ландшафт ҳамда гўзал табиати, яъни экотуристтик имкониятлари билан ҳудудда мавсумий дам олиш масканларининг жойланишига сабаб бўлган.

Чақлилқалон тоғларида ноёб табиат ёдгорликлари кенг тарқалган. Бу ерда юра даврида яшаган чиғаноқларнинг тошга айланиб қолган скелетлари яхши сақланиб қолган. Мазкур жой дунё бўйича ягона кўрикхоналардан ҳисобланади. Ғорлар ва турли шаклдаги тошлар, супасимон текисликлар, ўткир чўққилар, жимжимадор зинапоялар ва бошқалар геоморфологик ёдгорликлар сирасига киради. Чақлилқалон тоғларида машҳур карст ғорларидан икkitаси - Лев ва Келси ғорлари мавжуд. Лев ғори Омонқўтоннинг Булбулзор сойида жойлашган бўлиб, бу ғорда бундан 40-50 минг йил аввал тош асрида одамлар яшаган. Табиийки, ғорнинг ҳозирги кўриниши сайёҳлар учун катта таасурот қолдирмаслиги мумкин. Бинобарин, уни қизиқарли номойиш этиш учун ғор атрофларини тартибга солиш ва тош асрига мос кўринишлар, ибтидоий одамлар ҳаётини тасвирловчи расмлар, ҳайкаллар яратиш зарур.

Келси шахта ғори украиналик олимлар томонидан 1980 йилда топилган эди. Бу ғорнинг чуқурлиги 800 метр дан ошади ва бу жиҳатдан у дунёда 3 ўринда туради. Ғорнинг алпинизм билан шуғулланувчи сайёҳларни қизиқтириши шубҳасиздир. Агарда бу ғор бўйича материаллар тўнланиб реклама қилинса, сайёҳларнинг оқимини янада кўпайтириш мумкин. Шунингдек, Камаргарон, Вахашти, Ғус қишлоқлари устидаги ўта

тик чўққи тизмалар, чуқур даралар, турли шаклга ўхшаш тошлар, чўнон шаклидаги қоятошлар маршрут ва экскурсияларни бойитади.

Чақилқалон тоғлари гидрологик ёдгорликларга бой; бу ерда шифобахш булоқлар, гўзал шаршаралар, ғор сувлари ва ажойиб кўллар бор. Келси ва Лев ғорларидаги карст булоқ сувлари, Қайнар булоқ, Роҳат булоқ, Муз булоқ ва Алвасти кўллари, Ғуссой, Камангарон сойларидаги шаршараларни сайёҳлик маршрутларига киритиш мақсадга мувофиқдир.

Зарафшон дарёсининг юқори қисмидаги қадимий Роботхўжа сув айирғичи, узок ўтмишда қурилган Дарғом ва Эски Туятортар каналлари ҳам сайёҳлар қизиқишини орттиради. Бундай жойларни реклама қилиш ва қизиқтириш орқали сайёҳларни кенг жалб қилиш мумкин.

Фарғона вилояти ҳудудида қуйидаги рекреацион ҳудудлар ажратилади⁵:

1. Дарёлар ва сойликлар соҳилидаги рекреацион ҳудудлар. Бу ҳудудларга Сўх, Исфайрам. Шохимардонсой ҳамда Сирдарёнинг чап соҳилидаги табиий ўсимликлар билан қопланган, маданий дарахт ўсимликлари билан ихоталанган, мавсумий дам олиш (май, июн, июл-август ойлари қулай) масканларини киритамиз. Бу ҳудудлар иқлимнинг мўътадиллиги, соя салқинлиги, ҳавонинг намга етарлича тўйимлилиги, қушлар ва балиқ турларининг кўплиги, магистрал шовқинли йўллардан узоклиги билан ажралиб туради. Бу ҳудудлар қисқа (1 кунлик) дам олишга қулай.

2. Марказий Фарғона ҳудудидаги иқлимий терапия учун мўлжалланган, даволовчи рекреацион ҳудудлар. Бунга Зилха, Акбаробод. Ёзёвон, Бўстонбува қумли массивлари, Марказий Фарғонадаги «Ёзёвон чўллари»

⁵Отақулов П., Ҳолиқов Р. Фарғона вилояти ҳудудини рекреацион географик баҳолаш таъминоти // ЎзГЖ VII съезди материаллари, –Т., 2006, 100-б.

табиий ёдгорлиги ҳудудини киритиш мумкин. Бу рекреацион минтақа ҳам мавсумий (асосан ёз ва кузнинг биринчи ярми) терапия учун мўлжалланган.

Бу ерда қизиган қумлик асосий даволовчи рекреацион объект ҳисобланади. Асосан таянч ҳаракат органлари, бод, ревматизм билан оғриган беморлар учун қулай.

3. Фарғона шаҳридаги Ал-Фарғоний дам олиш мажмуаси. Соёсалқинлиги билан асосан хордиқчиқариш, эстетик - рекреацион хусусиятлари билан ажралиб туради.

4. Адирлар ҳудудида жойлашган рекреацион минтақалар Чимён, Арсиф, Саткак, Аввал, Каркидон сув омбори ҳудудларини ўз ичига олиб, шифобахш сувлари, булоқлари, пляжлари билан мавсумий ва йил давомида дам олиш, даволаниш имкониятларни яратади. Арсиф, Чимён адирларида дам олиш ва даволаниш шифохоналари жойлашган. Транспорт қулайлиги яхши.

5. Тоғ олди минтақасидаги рекреацион ҳудудлар. Бунга Водил, Сўх, Қувасой ҳудудларидаги 800-1200 метргача мутлоқ баландликларда жойлашган салқин баҳаво майдонлар киритилади. Бу ерларда кўплаб катталар ва болалар оромгоҳлари бор. Асаб тизими билан боғлиқ касалликларни даволаш имкониятлари ҳам катта.

6. Тоғли ҳудудларнинг рекреацион минтақалари. Рекреацион фаолиятнинг кўпгина талабларига жавоб беради. Лекин Фарғона вилоятининг тоғли ҳудудлар майдонининг катта эмаслиги ва геосиёсий жиҳатдан чегаранинг ўтувчанлиги рекреацион ҳудудларга бориш-келиш билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради. Фарғона туманига қарашли Шоҳимардон қишлоғи ана шундай ўтувчан чегаралар орқали бориладиган рекреацион ҳудуд ҳисобланади. Шу сабабли айтиш мумкин бўладики дам олувчиларнинг бу ҳудудга боришлари маълум даражада чегаралангандир.

Рекреацион тизимлар ташкил этиш ва улардан унумли фойдаланишда рекреацион ҳудудларнинг табиий ва ресурс салоҳиятини ўрганишдан ташқари унинг иқтисодий томонлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бу биринчи навбатда дам олувчилар озиқ-овқат маҳсулотлари, транспорт, маиший хизмат кўрсатиш каби сервисларни ҳисобга олишни тақозо этади. Масалан, рекреацион ҳудудларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга боғлиқ сарф харажатларни ортиб боришини кўришимиз мумкин (2-жадвал).

Юқоридаги маълумотларга асосланиб дам олувчиларни озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжини қондиришда транспортлардан фойдаланиш муаммоларини ҳам ўрганиб чиқилади.

Рекреацион ҳудудлардан фойдаланишда дам олувчиларни нафақат озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, балки транспорт билан таъминлаш муаммоси ҳам маълум ечимни талаб этади, чунки қисқа кунли (1-2 кун) дам олувчиларни ўзлари билан олган маҳсулотлари етарли бўлиши мумкин. Лекин ҳафта ёки айтайлик 10 кунлик муддатга келиб дам олувчиларни албатта янги маҳсулотларга эҳтиёжи бўлади. Шунинг билан

2-жадвал

Рекреацион ҳудудларни озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини иқтисодий кўрсаткичлари⁶

Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб	Таннарх кўрсаткичи, %	Баҳолаш кўрсаткичи
1. Талаб йўқ (маҳаллий манбалар мавжуд)	-	0
2. Жуда кам талаб	1-5	1
3. Талаб катта эмас	5-10	2
4. Талаб катта	10-20	3
5. Талаб жуда катта	20<	4

бирга транспорт кутиш, йўлдаги транспорт алмаштириш ёки ноқулай метеорологик ҳолатларда транспортда юриш ноқулайлиги ҳам бўлиши мумкин.

⁶Манба: Ўша жой, 100-б.

Бундай вазиятни қуйидагича баҳолаш мумкин:

$$\{ T = T1 + T2 + T3$$

Бу ерда T1 - рекреацион ҳудудларга бориш ва келиш учун кетган вақт, T2 - транспортларни алмаштириш билан боғлиқ ноқулайликлар, T3 - ноқулай метеорологик ва бошқа ҳолатларда транспорт қатновини қийинлашуви.

Ноқулай метеорологик ҳолатларда ва баъзан дам олувчиларнинг сони кўплиги. Ўтувчан: чегараларнинг мавжудлиги ҳам дам олиш билан боғлиқ харажатларни орттириб юбориши мумкин. Шунинг учун Фарғона вилояти аҳолисининг турли касб ва ёшдаги гуруҳлари ўз рекреацион эҳтиёжларини кондиришда шаҳарлар яқинидаги 5-10 км радиусдаги қисқа вақтли дам олиш масканларидан фойдаланмоқдалар. Айнан шундай ҳудудларга тушаётган рекреацион юклама эса экологик тиббий-гигиеник меъёрлардан анча юқоридир. Бу эса биринчи навбатда ана шундай рекреацион ҳудудларда сервисни юқори даражада ташкил этишни тақозо этади.

III боб. ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ МИНТАҚАЛАРИДАГИ АНТРОПОГЕН ЎЗГАРИШЛАРНИ БОШҚАРИШ, ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИ

3.1. Тоғ ва тоғолди минтақаларига антропоген таъсир: сабаб ва оқибатлари

Инсон таъсирида табиатнинг ўзгариши, айниқса, тоғ олди ва тоғ ёнбағирларида кучли даражада рўй берган. Бу ҳол асосан молларни тартибсиз боқилиши, ем-хашак тайёрланиши, лалми деҳқончилик майдонларининг кенгайтирилиши, бута ва дарахтларни ёқилғи ва қурилиш материали сифатида аёвсиз қирқилиши билан боғлиқдир. Узоқ йиллар давомида "ёғоч кўмир" тайёрлаш мақсадида тоғ ёнбағирларидаги жуда ҳам кўп ўрмонзорлар қирқиб юборилди.

Бунда арча, хандон писта, бодом ва бошқа дарахт турлари қирқилиб, чала куйдириш йўли билан кўмир тайёрланган ва ундан уйларни иситиш ва металл эритиш мақсадида фойдаланилган. Маҳаллий кўмир тайёрлашда хандон писта дарахтидан тайёрланган ёқилғи сифатининг юқорилиги билан ажралиб турган, шунинг учун ҳам халқ орасида "писта кўмир" тушунчаси ҳали ҳам ишлатилиб келинмоқда.

Йирик шаҳарларда ва айрим аҳоли яшаш жойларида металлургия, темир руда ва темирни қайта ишлаш корхоналарининг кўплаб ташкил қилиниши туфайли ёғоч кўмирдан фойдаланиш ҳажми янада кўпайиб борди. М. Е. Массоннинг ҳисоб-китобига қараганда, бир пуд чўян тайёрлаш учун камида икки пуд ёғоч кўмир ишлатилган. Шунинг учун ҳам Самарканд, Бухоро, Қўқон ва бошқа шаҳарлар яқинидаги тоғ ёнбағирларида ўсган барчаарчазор, пистазор, ўрикзор ва бодомзорлар тўхтовсиз қирқиб шаҳарларга ташилган. Қизилқум, Қарши чўли, Марказий Фарғона қумликларида ўсган саксовуллар ва дарё ўзанлари ёқаларидаги дарахтларнинг тўхтовсиз қирқилиши туфайли ҳам худди шундай жараён содир бўлган. - Г. А. Арандаренконинг XIX аср охирларида ёзган тассуротларига кўра Зарафшон дарёсида ҳар йили Туркистон ва Зарафшон тоғ ёнбағирларидан Самарқандга қараб 120 сол оқизилган, ҳар бир солда 220 та арча ходаси бўлган. Панжикентдан Самарқанддаги қурилишлар учун ҳар йили 30 минг арча ходаси юбориб турилган. Кўмир тайёрлаш учун эса ҳар йили 34 минг туп арча дарахти қирқиб турилган. Ушбу келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики арчазорлар ва хандон пистазорлар аёвсиз қирқиб келинган, уларни қайта тиклаш тўғрисида ҳеч қандай иш қилинмаган.

Арчазорларни тўхтовсиз қирқилиши, хандон пистазорларга қирон келтирилиши, ёнғоқзорлар ва ўрикзорларни кесиб кетилиши тоғ

ёнбағирларининг яланғочланиб қолишига олиб келди. Албатта, бу ножўя ишнинг экологик оқибати яхши бўлмади. Тоғ, ёнбағирларида сой ва булоқларнинг сув режимлари бутунлай издан чиқди. Тоғ ёнбағирларида дарахтлар мавжуд бўлган пайтда қорларнинг эриши бир маромда содир бўлган, ёмғир ёғиши натижасида ер бетида ҳосил бўлган сув тупроққа сингиб борган, бир қисми эса жилғалар ҳосил қилиб кейин сойларга қўшилган. Дарахтларнинг йўқотилиши натижасида қор тез эриб, ҳосил бўлган сув тупроққа сингишга улгурмай, жилғалар ҳосил қилиб сойларга қўшилган, ёмғир сувлари ҳам қор сувлари каби сойларга қўшилган. Сойларда сув миқдори кескин даражада кўпайиши натижасида дарёларда сув тўлиб оққан ва баъзан тошиб, маълум даражада талафот етказа бошлаган. Бинобарин, дарёлар қисқа муддатда тўлиб оқиб, ёзнинг кўп вақтида қуриб қолган ёки сувнинг миқдори кескин камайиб кетган.

Тоғ ёнбағирларининг оқар сувларни тутиб қолиш хусусиятининг камайиб кетиши уларда сел ҳодисаларининг кенг тарқалишига катта майдонларни қамраб олган сурилмаларни тез-тез рўй беришига, тупроқларни ювилиб кетишига, турли катталиқдан ариқчалар ва жилғаларни вужудга келиши ва уларни қўшилиб катта-катта жарликлар ҳосил қилишига олиб келган. Бу ҳодисаларнинг энг даҳшатлиси селдир. 1870 йилдан ҳозиргача Ўрта Осиёда 2500 га яқин кучли сел ҳодисалари содир бўлганлиги ҳисобга олинган. Ушбу сел ҳодисаларининг 75 % и Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистонда рўй берган⁷. Селнинг иқтисодий ва экологик зарари барчага аён. Сел туфайли тупроқ ва мавжуд ўсимлик қопламигина эмас, унинг таъсирида бўлган барча қишлоқлар экинзорлар, турли иншоотлар, каналлар бутунлай ёки қисман ишдан чиқади ва хўжаликлар иқтисодий жиҳатдан анча зарар кўради.

⁷Алимов Т.А., Рафиқов А.А. Экологик хатолик сабоқлари. –Т.: Ўзбекистон, 1991, 11-б.

Тоғ ёнбағирларининг ўсимликлар билан етарли даражада зич қопланмаганлиги натижасида эрозия ҳодисаси тезлашади. Оқар сувнинг ёнбағирларда (қиялик 2 - 3 дан ошганда) ҳаракати натижасида аввалига тупроқнинг устки қатлами кучсиз даражада, қиялик ошиши билан ўртача, кейинчалик эса кучли даражада ювилади. Ювилиш шу тариқа давом этса, аввалига кичикроқ жилға, кейин ўйиқ жой – ариқча ва сўнгида жарлик вужудга келади. Эндиликда Ўзбекистондаги тоғ этаклари ва тоғ ёнбағирларида эрозияга учрамаган жойлар қолмади ҳисоб. Тик ёнбағирли жарликлар сойлар ҳамда дарё водийларида сел ва сурилмалар натижасида вужудга келган. Жарликлар кенгайиб бориши туфайли янги сойликлар юзага келди. Шу тариқа тоғ ёнбағирларининг уйдим-чуқурлиги орта борган, бу ҳол улардан фойдаланишни мураккаблаштирибгина қолмай, янги майдонларда яна сел ва сурилмаларнинг ҳосил бўлишига имкон беради.

Сурилмалар тоғ ёнбағирларида вужудга келадиган энг фалокатли ҳодисалардан биридир. Улар ёнбағирларнинг барқарорлиги камайиши туфайли содир бўлиб, жуда катта майдонлардаги юмшоқ тупроқларнинг сувга ниҳоятда кўп миқдорда обдон бўқиши натижасида оғирликнинг бир неча марта ортиб кетиши билан қиялик томон сурилади. Сурилма юз берган жойларда дарахтлар деярли учрамайди, бинобарин, ёмғир ва қор сувлари сариқ тупроқни бўктириб юборади. Хўжакент (1961 йилнинг баҳори), Айний (1964 йилнинг баҳори), шунингдек Ангрен, Олтин Топкан, Шарғун тоғ конларида энг кучли ва катта миқёсда содир бўлган сурилмалар тоғ ёнбағирларида дарахтларнинг умуман йўқлиги натижасида вужудга келган. Кузатишлар ҳозирги жумҳуриятимизда 1000 дан зиёд сурилма ўчоқлари мавжудлигини кўрсатмоқда.

Сурилмалар содир бўлган жойларда энг аввало оқар сув эрозияси у натижасида ёнбағир янада уйдим-чуқурлашади, қалин созтупроқ остида

ётган турли катталиклардаги тош парчаларининг юзаси, ёхуд қаттиқ тоғ жинсларининг усти очилиб қолади. Натижада бу ерлардан хўжалик мақсадларида фойдаланиш ниҳоятда қийинлашади, ўсимлик ўсиши учун экологик шароит камаяди. Агарда сурилма юз берган, жойда қишлоқ жойлашган бўлса, аҳоли ушбу жойни бутунлай таркэтади.

Ўзбекистоннинг Угом, Пском, Чотқол, Қурама, Боботоғ, Қўхитанг, Бойсунтоғ, Ҳисор тизма тоғларида ҳозирда сони жуда ҳам камайиб кетган ҳайвонлардан илвирс, қоплон, бухор тоғ қўйи, кўксуғур, қизил бўри, Тянь-Шань **оқ** тирноқли айиғи, йул-йул сиртлон, Туркистон силовсини, тоғ қўйи, Қизилхум қуйи ва бошқалар мавжуд бўлиб, XX аср бошига қадар улар барча тоғ тизмаларида кенг тарқалган эди. Ҳозирда бу ҳайвонлар "Қизил китоб"га киритилган ва махсус – кўрикхоналарда уларнинг сони кўпайтирилмоқда.

Инсон тоғ ва тоғолди ҳудудларида катта бунёдкорлик лойиҳаларини амалга ошириб, мавжуд ресурсларни ишга солиш асосида, ишлаб чиқариш кучларини муттасил ривожлантирмоқда. Бу йирик масшабли антропоген ўзгартиришлар (сув омборлари, селхоналар, темир ва автомобил йўллари, каналлар, гидроузеллар, тунеллар, турли муҳандислик иншоотлари) ҳудуднинг маҳаллий табиий шароити ва омиллари таъсирига мос тушса, кўп йиллик барқарор вазифага эга бўлади. Демак, муҳандислик иншоотининг атроф муҳит омиллари таъсирига бардошлиги турғун бўлса, ўз навбатида унинг атроф муҳитга кўрсатадиган техноген таъсиридан уни динамик ҳолатида кескин ўзгаришлар сезилмаса, уларнинг барқарорлик функциялари узоқ вақт давом этади.

Айрим иншоотларда бу хусусият бузилиши мумкин. Натижада у табиий омиллар таъсирига берилиб, ўзининг индивидуал функцияларини бажаришдан узоқлаша бошлайди ва маълум муддатдан сўнг- ўз фаолиятини тўхтатади. Чордара, Қайроққум, Дегрез ва бошқа сув омборлари эндиликда

лойқа билан тўлиб қолди, фойдали иш коэффициенти жуда ҳам кичик кўрсаткичга эга. Бундай вазиятда сувнинг ҳудудда ўта тақчиллигини ҳисобга олиб, уни таъмирлаш ва сув сиғимини лойиҳадаги кўрсаткичга етказиш мақсадга мувофиқ. Бундай мураккаб гидрологик, гидроэкологик ва амалий ландшафт доирасидаги вазифани бошқариш осон иш эмас. Бунинг учун ҳар томонлама чуқур ишланган лойиҳа тайёрланиши лозим. Бунда муҳандисли гидрологик ва экологик ҳамда ландшафт, гидроландшафт соҳалари бўйича ишларни мажмуали ҳолда амалга ошириш кўзланган мақсадга эришишга имкон беради.

Табиатдан фойдаланиш режали, босқичли, меъёрли, узоқ келажакни кўзланган ҳолда иш тутиш, илмий асосланган тарзда ресурсларни муомалага киритиш тактикаси, тежамкорлик, табиий тугалланадиган бойликларни бошқа тугалланмайдиган альтернатив варианты (шамол, қуёш энергияси ва бошқ.) бўлган тақдирда улардан кенг фойдаланиш, иккиламчи ресурсларни ишлаб чиқаришда кўпроқ қўллаш, рекультивацияни ўз вақтида сифатли бажариш, кам чиқиндилар ва чиқиндисиз технологияни мунтазам қўллаш, атроф муҳит мусавваланганини тўла сақлаш, экологик вазиятни қулай даражада бўлишига эришиш ва бошқа тамойилларга таянади. Табиий муҳитдан фойдаланиш жараёнида уни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари бир вақтни ўзида ва баъзиларини олдиндан қўллаш, ўсимликлардаги касаллик ва хашоратларга қарши қўлланиладиган заҳарли кимёвий ашёларни иложи борида биометодлар билан алмаштириш, табиатдан фойдаланишда уни ифлослантирган ва бузганлиги учун катта жарималарни қўллаш ва умуман табиатдан фойдаланиш жараёнига айрим ҳолларда солиқ солишни амалда қўллашга ўтиш ҳам аҳамиятлидир.

Тоғ ва тоғолди минтақаларида табиатдан фойдаланиш стратегияси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган узоқ

муддатга мўлжалланган дастурда ишлаб чиқилиши лозим. Табиатдан фойдаланиш стратегияси-ҳудуд табиати ва унинг ресурсларини узоқ муддат (5-10 йил ва ундан кўп)га қадар ишлаб чиқариш муомаласида бўлишида ундан фойдаланиш тамойиллари, усул ва услублари, меъёрий кўрсаткичлар, бойликларни оқилона муомалага киртиш, сифат ва кескин миқдорий ўзгаришларини олдини олиш, тежамкорлик ва бошқаларга тўлиқ риоя қилиш кабилар тушунилади.

Бойликлардан фойдаланишнинг устувор йўналишлари, айтайлик сувдан барча соҳаларда, хусусан суғорма деҳқончиликда меъёрга ва сифатини яхшилаб боришга беками кўст амал қилиш, суғоришда янги илғор инновацион технологияни босқичма-босқич қўллашдан иборат.

Тоғ ва тоғолди мажмуаларининг экологик-иқтисодий барқарор ривожланиши табиий муҳитнинг қаноатланарли ҳолати, ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиат муҳофазаси ва экологик вазиятни оптимал ҳолатда бўлиши, ўз навбатида аҳоли саломатлигининг юқори даражада бўлишига ижобий таъсир этади. Бундай қулай экологик муҳитда иқтисодий барқарор ривожланиш таъминланади.

Акс ҳолда Д. Медоузнинг “Ўсишнинг янги чегаралари” (1992) моделида асосланган аҳоли, иқтисод ва атроф муҳитни ягона тизим эканлигига путур етади. Чунки, уларнинг фикрича, дунёвий ривожланишнинг формуласи қуйидагича:

$$J = PAT$$

Бунда J – атроф муҳитга тушадиган юк;

P – аҳоли;

A – фаровонлик;

T – технология.

Бу ерда фаровонлик жон бошига истеъмолнинг миқдорини билдирса, технология эса маҳсулот бирлиги кўламида келтирилган зарарни ифодалайди⁸.

3.2. Тоғ ва тоғолди минтақаларидаги табиий – антропоген жараёнлар ва уларни олдини олиш чоралари

Кейинш 50 йил мобайнида Ўзбекистонда тоғ ва тоғолди аҳоли сонининг ортиб бориши, шу муносабат билан аҳоли манзилларини кенгайтиши, янгиларини таркиб топиши, саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантирилиши, янги қазилма бойликларини топилиши ва уларни ишга туширилиши, мураккаб гидротехник иншоотларни, темир на автомобил йўлларини қуриб ишга туширилиши, рекреацияни минтақаларини барпо этилиши ва бошқа кўплаб фуқаро ва саноат объектларини қурилнши мазкур ҳудудда катта ҳажмда иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятни вужудга килишига олиб келди. Натижада ҳудуднинг табиий ресурсларидан фойдаланиш жуда ҳам тезкорлик билан олиб борилмоқдаки, унинг оқибатида тоғ ва тоғолди ландшафтларининг экологик мувозанати бузилмоқда.

Тоғ ва тоғолди ҳудудларида сони ортиб бораётган аҳоли ҳамма ерда ҳам ёқилғи билан тўлиқ таъминланмаган. Оқибатда аҳоли тоғ ёнбағрларидаги дарахат ва буталарни қирқиб, ёқилғи сифатида фойдаланмоқда. Дарахтлар қурилиш материаллари сифатида ҳам кўплаб кесиб юборилмоқда. Янги ўрмонзорлар бунёд этиш эса жуда суст бормоқда. Регионда молларнинг туёғини кўпайиб бораётганлиги туфайли яйловлардан оқилона фойдаланиш тамойиллари бузилмоқда. Ушбу ҳодисалар тоғ ёнбағирларининг борган сари яланғочланишига сабаб бўлмоқда. Натижада зарар келтирувчи табиий ҳодиса ва жараёнларнинг тезкорлик билан вужудга келиши кузатилмоқда. Айниқса

⁸Назаров И.Қ. География фанининг далзарб муаммолари. –Т.: Мухаррир, 2013, 183-б.

сел, сурилма, емирилиш, карст, суффозия, ўпирилиш ва бошқа ҳодисалар тез-тез вужудга келмоқда. Бу жараёнлар, айниқса, ёгин-сочин баҳорда жала тарзида тушадиган, турли қалинликдаги лесс, лесссимон жинслардан ташкил топган тоғ ёнбағирларида кенгроқ тарқалган. Тоғ ва тоғолди ҳудудлардаги табиий жараён ва ҳодисалар тармоқ илмий, илмий-ишлаб чиқариш институтлари томонидан ўрганилган, лекин улар табиий географик ва геоэкологик жihatда мажмуали эмас.

Ҳисор тоғлари табиатини муҳофаза қилиш-жанубий Ўзбекистон ва унга туташган Тожикистон билан Туркменистоннинг айрим ҳудудларининг табиий муҳитини мусаффо сақлашнинг зарурий шарти демакдир. Зеро, Ҳисор тоғлари Қашқадарё, Сурхондарё, Қофирниҳон ва қисман Зарафшон дарёсининг сув йиғиш майдони бўлиб хизмат қилади. Шундай, экан, қарийб юз квадрат километр майдонда истиқомат қилаётган аҳолининг сувга, аввало тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжи шу дарёлар ҳавзасининг мусаффо бўлиши билан боғлиқ.

Денгиз сатҳидан 1400-2000 метр баландликдаги жануби-ғарбий ва шимоли-ғарбий ёнбағирларда дов-дарахт ва буталар тез ўсиши учун нам етарли бўлганлишдан Ҳисорнинг Хонтакти, Эшакмайдон, Оқбоштов массивларида фитомелиорация тадбирлари зиёнли жараёнларнинг сезиларли камайишига олиб келмоқда. Кузаташлар, баландлик мажмуалари ичидан тоғ-ўрмон ландшафт мажмуалари тез тикланувчан эканлигини исботламоқда. Ҳисорнинг Қамаши, Деҳқонобод ва Шеробод туманлари доирасидаги паст тоғлар ва адирлар-геоботаник адир минтақаси бўлиб, денгиз сатҳидан 600-1200 м баландликларда жойлашган. Тоғ-ўрмон ландшафт мажмуаларига қараганда иқлимнинг анча қурғоқчил бўлиши, дарахт ва буталарнинг ўсувчанлиги секин бўлиши туфайли кўчки ва сел оқими бу ҳудудларда тез-тез кузатилмоқда. 1998-2000 йилларда Қамаши тумани Лангар қишлоғи

доирасида ёнбағир кўчишида, бу қишлоқнинг айрим хонадонлари жиддий зиён кўрди. Ҳолбуки, Қамашининг ўрмон хўжалиги бу ердаги Даққи тоғи ёнбағирларининг террасалаб бутазорлар барпо этган эди. Шунинг таъкидлаш лозимки, кўкаламзорлаштиришнинг қурғоқчил шароитли табиий омилдан ташқари қарийб олти минг аҳоли яшайдиган Лангар қишлоғининг антропоген таъсири ҳам кўп йиллик бутазорлар ҳосил бўлишига қўшимча салбий омил бўлгани аниқ. XX асрнинг эллигинчи йилларида Лангар қишлоғидан жануби-ғарбда, ҳудуди шу Даққи паст тоғларида анча қалин пистазорлар мавжуд бўлиб, одамлар ёзда қоп-қоп писта терганлиги аниқ. Бу ҳудудларда паст тоғ ва адирлар кенг майдонларни эгаллаган Яккабоғ, Қамашининг, Дехқонобод, Шеробод, Олтинсой, Бойсун, Сариосиё каби туманларининг аҳолиси вақти-вақти билан бўлиб турадиган табиий офатлардан жабрланиб туриши кўпчиликка аён. Шунинг учун Ҳисор тоғларининг адир ва тоғ ландшафт баландлик мажмуаларида аниқ майдонлар бўйича алоҳида - алоҳида фитомелиоратив тадбирларни олиб бориш таъсирли бўлади. Аввало, ландшафт мажмуаларида ўсимлик қопламининг рельефи билан биргаликда етакчи компонент эканлигини чуқур англаб етиш, сўнгра фитомелиоратив тадбирлар олиб борилаётган ёнбағирнинг экспозицияси ва субстратнинг хусусиятига қараб, барпо этилаётган ихотазорларининг флористик таркибига эътибор бериш зарур. Шу аснода Яккабоғ ўрмон хўжалигида амалга оширилган ишлар тажрибаси Ҳисор тоғларидаги бошқа ўрмон хўжаликлари учун аҳамиятли бўлиши лозим. Арчазорлар Ҳисор тоғларида 1300-1400 м дан 3700 м баландлик поғонасида ўсаврадиган дарахтдир. Кузатиш ва тадқиқотларнинг кўрсатишича тоғ ўрмонларида асосан қизил (қора) арча ёки зарафшон арчаси ва саур ёки яримшарсимон арча жой танламай яхши ўсади. Чунки улар туркистон, шуғнон ва қозоқ арча турларига қараганда анча қурғоқчилик шароитига чидамли. Қашқадарё

ҳавзасида дастлаб ташкил этилган Яккабоғ ўрмон хўжалигининг майдони 35657 гектарга тенг бўлиб, соф арчазорлар шу майдоннинг 4416 гектарини ташкил этади. Яккабоғ ўрмон хўжалиги арчазорларнинг 3385 гектари зарафшон арчаси ўсадиган майдонлардир⁹. Шундай экан, Ҳисор тоғлари тоғ-ўрмон баландлик ландшафт мажмуаси минтақасида зарафшон арчаси турини кўпроқ экиш ва тиклаш бу тоғлар табиатини қуриқлаш ва табиий ресурслардан мақсадга мувофиқ фойдаланишнинг тажрибада синалган тадбирларидандир.

Айни вақтда, Ўзбекистоннинг Ҳисор тоғлар доирасида Ҳисор (майдони 76800 га), Китоб геологик (5600 га), Сурхон (Кўхитанг бўлими, майдони 24014 га) қўриқхоналари ва Китоб, Яккабоғ, Қамаш, Дехқонобод, Бойсун, Узун, Боботоғ каби ўнга яқин давлат ўрмон хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Шу боис Ҳисорнинг бу ҳудудида табиатни қўриқлаш муассасаларининг майдоиларини уларга туташ паст тоғ ва адирлар ҳисобига кенгайтириш, уларга қурғоқчил шароитга мослашган бута ва дарахтларни кўпроқ экиш, бу минтақа табиатни асрашнинг энг долзарб масалалари қаторига киради. Таъкидлаб ўтиш зарурки, бундан юз-бир юз эллик йиллар муқаддам арча, хусусан зарафшон ёки қора арча денгиз сатҳидан 900-2500 м ораликдаги баландлик поғонасидаги аксари майдонларни эгаллаган. Ҳозирда уларнинг тахминан 20 фоизигина қолган. Шундай экан, эндиликда сурилма, кўчки, айникса, сел оқимлари тез-тез бўлиб турадиган тоғ ландшафт баландлик минтақасининг пастки яруси ва адир мажмуаларида зарафшон арчаси ҳамда бошқа бодомча, чия, зирк, учқат, писта ва бошқа азалдан бу ернинг қурғоқчил шароитига мослашган бута ва дарахтлар майдонини кенгайтириш зиёнали тоғ жараёнларга тўсиқ бўлиши, тайин. Яккабоғ ўрмон

⁹Маматов А.М. Ҳисор тоғлари баландлик ландшафт комплексларини муҳофаза қилишнинг долзарб масалалари // География ва табиий ресурслардан фойдаланиш. –Т.: ЎЗМУ, 2001, 46-б.

хўжалиги тажрибаси бу фикрни тўла тасдиқлайди. Ҳисор тоғлари баландлик ландшафт мажмуаларини муҳофаза қилиш, тоғларнинг табиий ресурсларидан фойдаланишда Ҳисор қўриқхонаси майдонини унга туташ паст тоғлар ҳисобига кенгайтириш, ишга туширилган 232 км узунликдаги Ғузор-Бойсун-Қумқурғон темир йули манфаатларини кўзлаб, Дехқонобод тумани ҳудудида лалми токзорлар ва ихотазорлар барпо этиш ҳам кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар қаторига киради.

Шуни айтиш керакки, Сурхондарёнинг Сангардак ва Тўполанғдарё ирмоқлари ҳавзаси жуда бетакрор табиат ёдгорликларига эга. Ҳисорнинг Сурхонтоғ доирасида “Сурхон” қўриқхонасининг бир бўлимини ташкил этиш мақсадга мувофиқ, чунки бу ернинг шаршара, танги, қоя ва гўзал ландшафти авлодлар учун сақлаб қолиниши лозим. Айни вақтда, Сурхонтоғ жанубий ёнбағрининг ноёб табиати антропоген таъсир юкидан биров қутилган бўлур эди. Ҳозирги бозор иқтисоди шароитида тоғ неъматларидан, доривор гиёҳлардан фойдаланишга интилиш тоғ табиатига жиддий ҳавф солмоқда. Табиий бойликлар давлат муҳофазасида экаплигини ҳаммаанглаб етиш пайти келди.

Юз бераётган офат келтирувчи табиий ҳодисаларни олдини олиш ва аҳоли манзилларини уларнинг ҳавфидан сақлаб қолиш учун қуйидаги изланишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб биламиз.

1. Тоғ ва тоғолди ҳудудларини табиий ҳодисалар вужудга келиши мумкиилиги бўйича ўрта масштабда (1:500000), шунингдек аҳоли манзиллари кўпроқ бўлган, саноат, рекреация объектлари ва бошқа зарурий давлат ҳамда жамоат объектлари мавжуд бўлган ҳудудларнинг 1:200 000 ёки 1: 100 000 масштабдаги баҳолаш хариталари тузилса мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки ушбу хариталарда аввало жойларда қандай табиий ҳодисалар тарқанлиги, уларнинг тадрижий ҳолати, яқин вақтлардаги ўзгариши

(башорати) акс эттирилса айти муддао бўлар эди. Бу хариталар орқали қайси объектлар, қандай табиий ҳодисалар ҳавфи остида турганлиги равшан бўлади.

2. Мазкур ҳудудда табиий ҳодисаларнинг тўсатдан, маълум муддатдан сўнг ва умуман келажақда юз бериши мумкин бўлган ҳалокатли ҳодисаларнинг башорат харитаси ишлаб чиқиши лозим. У табиий ҳодисаларни олдини олиш учун қўлланиладиган чора-тадбирларни лойиҳалаш ва асослашда зарур бўлади.

3. Тоғ ва тоғолди ҳудудларида кенг тарқалган фалокат келтирувчи табиий ҳодиса ва жараёнларнинг олдини олиш бўйича чуқур ва ҳар томонлама асосланган мажмуали бир неча босқичларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар ишланмаси зарур. Унда аҳоли манзиллари ва бошқа объектларнинг табиий ҳодисалар ҳаракати нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ ҳолда жойлашганлиги ёки йўқлиги, уларни бошқа жойларга кўчириш, ёнбағирларда ўрмон мелиорацияси, инженерлик тадбирлари, ёнбағирларни дов-дарахтлар, турли бута ҳамда ўтлар билан қоплаш, аҳоли манзилларини ёқилғи турлари билан тўла-тўқис таъминлаш, яйловларни маҳсулдорлигини ошириш, улардан фойдаланишни оқилона олиб бориш, жар эрозияси, сел, ўпирилиш ва сурилмалар юз бериши мумкин бўладиган жойларда махсус ўрмонзорлар ташкил қилиш ва бошқа амалий масалалар устида илмий ва лойиҳа ишларини кенг миқёсда олиб бориш кўзда тутилиши лозим. Аҳоли манзиллари, саноат ва бошқа объектларни селдан ҳимоя қилишда махсус селхонлар қуриш билан бирга, уларга томон йўналиши мумкин бўлган оқим йўлини махсус инженерлик қурилмалари бунёд этиш билан тўсиш, сувнинг йўлини чет (селхона, сой ва дарё ўзанлари)га буриш тадбирларини ишлаб чиқиш зарур.

Таклифлардан яна бири тоғ ва тоғолди ўрмонларнинг майдонини иложи борица мунтазам кенгайтириб боришни қайд қилиб ўтиш жоиз. Ўрмонларнинг кўпайиши мевачилик, асаларчилик, чорвачплик ва бошқа соҳаларни ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади, Рекреация минтақаларини ташкил қилиш учун имконият яратади. Энг зарури аҳоли табиий хавф-хатардан анча ҳоли бўлади.

Тоғ ва тоғолди минтақасидаги экологик вазиятларни баҳолаш анча мураккаб жараён. Чунки бу ҳудудларда ҳаво ва сув ҳавзалари саноат корхоналари чиқиндилари таъсирида, суғорма ерлар турли табиий жараёнлар (суғориш эрозияси, жарлик ва бошқалар) таъсирида, тоғ ёнбағирлари эса эрозия, сел, қор кўчкиси, яйловлар деградацияси ва бошқалар таъсирида бўлганлиги боис таркиб топган вазият анча жиддийлиги билан тавсифланади.

Курғоқчил-арид иқлимли тоғ олди яйловларининг маҳсулдорлига унчалик юқори эмас. Геоботаникларнинг ҳисобича, бир бош қорақўл қўй учун 2-2,5 гектар яйлов тўғри келиши лозим. Ҳозирда тоғ яйловларининг аксарият ҳудудлари ҳаддан ташқари зўриққан. Айниқса, қишлоқлар, қўралар ва қудуқлар атрофи мсърдан 8-10 марта ортиқча таъсирланмоқда. Натижада қишлоқлар атрофида бир неча юз метр радиусдаги майдонлар яланғочланиб, чўллашиб бўлган.

Ҳисоб-китоблар бўйича 2 км радиусдаги майдонларда ем-хашак ўсимликларининг 50% и, 5 к м/га ча бўлган радиусда 30 % и йўқ-бўлган. Қорақўл қўйлар боқилиш радиуси кунига 5-6 км ни ташкил этади. Ҳозир тоғлардаги чўллашишга учраган майдонлар 10-12 % ни ташкил этаётган бўлса, 2030 йилга бориб, бу кўрсаткич 20-25 % га етиши башорат қилинмоқда.

Тоғ яйловлари ўсимлик қопламининг ёмонлашувига тартибсиз ем-хашак тайёрлаш ҳам таъсир этмоқда. Аксарият кўп йиллик ярим бута

ўсимликлар кетмон ёрдамида чопилади ва натижада уларнинг тикланиши қийинлашиб, илдизи қуриydi.

Тоғ ва тоғ олди минтақасидаги экологик вазиятнинг издан чиқиши аввало дарахтзорларнинг кесилиши билан ҳамоҳангдир. Собиқ Иттифоқнинг парчаланиши оқибатида Ўзбекистонга Қозоғистон ва Россиядан кўмир келтирилиши амалда тўхтатилди. Бироқ республикада аҳолини табиий газ билан таъминлаш борасида махсус дастур асосида катта ишлар бажарилди ва бажарилмоқда. Лекин мамлакат аҳолисининг табиий газга бўлган эҳтиёжлари тўлиқ қондирилди, дейишга ҳали биров вақт бор. Минтақа аҳолисининг ўтинга бўлган эҳтиёжининг салмоқли қисми ҳали ҳам тоғлардаги дарахт ва буталарни аёвсиз кесиш билан қондирилмоқда. Бир вақтлар тоғ этакларигача тутшиб кетган ўрмонлар айрим тоғ ёнбағирларини аллақачон тарк этгани сир эмас. Жанубий тоғларнинг пастки қисмларида қалин пистазорлар мавжуд бўлганлигини, одамлар ёзда қоп-қоп писта терганлигига жанубий вилоятлар аҳолисининг кўпчилиги гувоҳ бўлган. Ҳозирги кунга келиб эса сотиш учун ўтин тайёрловчи махсус «тижоратчи - гуруҳлар» пайдо бўлганига ҳам гувоҳ бўлиб турибмиз. Нурота тоғ минтақасининг ўзида бир арава ўтин 2-4 минг сўм бўлса, бошқа жойда қанча бўлиши ойдек равшан. Минтақада ўтган ярим аср мобайнида қанча ўрмон дов-дарахтлари кесилган бўлса, кейинги 7-8 йил мобайнида шунчаси йўқотилди. Агар аҳвол шу тарзда давом этаверса, яқин 15-20 йил ичида тоғлар дарахт ва буталардан батамом ҳоли бўлиши мумкин.

3.3. Ислохотларнинг ҳозирги босқичида “Тоғ дастури”нинг зарурати

Тоғ ва тоғолди ландшафтлари табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун мажмуали дастур ишлаб чиқиш зарур ва бу дастурда кўзда тутилган вазифаларнинг бажарилишини тизимли таҳлил қилиш керак. Шунингдек, тоғ ва тоғолди табиат мажмуасидан фойдаланишнинг ҳуқуқий

мезонларини ишлаб чиққан ҳолда маълум ҳудудлар бўйича уларнинг ландшафт, табиати, экологиясига ва табиат ресурсларидан фойдаланишга хос бўлган махсус хариталар яратиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳудудлар табиийлигини сақлаб қолиш масаласи фан-техника тараққиёти жадал кечириляётган бир пайтда долзарблик кашф этмоқда. Негаки, бир томондан табиат мувозанатига салбий таъсир этувчи кучлар (ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган кўп турдаги техниканинг нотакомил жиҳатлари, транспорт воситалари ва ҳавога, айниқса кўп захарли моддалар чиқарадиган автомобилларнинг тезликда кўпайиб бориши ёқилғи-энергетика, металлургия, қурилиш, кимё саноати, корхоналарининг такомиллашмаган тармоқлари), иккинчидан ҳануз-ҳанузгача инсоннинг табиат манбаларига бефарқ қараш (уни битмас- тугамас деб билиши) ҳамда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришдаги хатоликлар табиатга салбий таъсир кўрсатмоқда, сўлим табиатнинг қашшоқлашиб боришига, ундаги мувозанатнинг бузилишига олиб келмоқда. Бу нарса табиий равишда махсус дастур ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Шундай қилиб табиат билан жамият ўртасидаги мувозанатни сақлашга хизмат қиладиган ва зудкорлик билан ўзининг ижобий ечимини кутаётган муаммолардан бири - “Тоғ дастури”ни ишлаб чиқишдир. Бу муаммонинг долзарблиги айниқса ҳудудининг 21,3 % қисмини ўртача ва баланд тоғли минтакалар ишғол қилган республикаимиз учун, шу жумладан жанубий Ўзбекистон учун ўта муҳимдир.

Жанубий Ўзбекистоннинг катта қисмини (шу жумладан Қашқадарё вилоятининг 30-40 фоиз, Сурхондарёнинг 65-70 фоиз ҳудудини) тоғлар эгаллайди. Республикаимиздаги энг баланд тоғ тизмалари ҳам шу минтақада жойлашган бўлиб, уларнинг яшил бойлиги асосан арчазорлардир. Ана шу арчазорлар тоғларимиз табиийлигига, ундаги салқин иқлимий шароитнинг

қарор топишига, қор қоплами ҳосил бўлишига ва мавжуд музликларни сақлаб, тоғ дарёлари (сой сувлари), ҳамда серсув булоқларининг ҳосил бўлишига асрлар оша таъсир кўрсатиб келади.

Бироқ юқорида таъкидлаб ўтганимиздек табиатга антитаъсир кўрсатилиши натижасида унинг мувозанати бузилмоқда. Минтақамиз тоғларидан дов-дарахтлар (биринчи навбатда арчалар) аҳолиси муттасил кўпайишда бўлган тоғликлар томонидан ўтин учун аёвсиз кесилиб кетилмоқда. Айрим кузатишларимизни келтирамиз. Сунгги 30 йилда (1970-2001) ТермизДУ талабалари Вахшивор географик райони (вилоятнинг тоғли ҳудудидаги география марказида) дала амалиётини ўтайди. Бу тоғли ҳудудда жойлашган Хисор тоғининг давоми Сухак тоғининг Вахшивор тизмаси (3812 метр)даги кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, узок йиллардан буён тоғ арчалари ўтин учун аёвсиз кесилмоқда. Ҳар йили (асосан ёз ойларида) Вахшивор сойдан бир кунда ўртача 60-70 эшакда арча юкланган тоғликларни кўриб дахшат дейсиз. Натижада унинг ареали қисқариб зикр қилинган 1970-2001 йиллар ичида Вахшивор тоғларидаги арчазорларнинг пастки чегараси денгиз сатхидан баландлиги 1700 метрдан 2400-2500 метргача етди.

Вилоят ўрмон хужалиги ходимларнинг “хўжа кўрсинга” ишлаши, тоғларимиз табиийлигига муттасади ташкилотларнинг бефарқ қараши “ялонғоч” тоғларимизнинг яна ҳам ялонғоч бўлишига, айниқса ўсимликларга камбағаллашиб боришига олиб келмоқда. Натижада:

1. Тоғларда эрозия жараёни кучайиб бормоқда. Тоғ ва унинг ёнбағирларига тушадиган ёғин-сочинлар ҳудудлар юзақатламида ҳосил бўлган тупроқларни тезликда ювиб кетмоқда ва эндиликда тупроқ ўрнида дехкончиликка яроқсиз бўлган шағал ва кумтошлар қолаяпти;

2. Кўп йиллардан буён баланд тоғликларимизда ҳам қалин қор қопламари ҳосил бўлмай келди, тушган қорлар ҳам тез эриб кетмоқда:

3. Қор қоплами ҳосил бўлмагач, мавжуд тоғ музликларининг ҳам “яшовчанлиги” қисқариб бормоқда, яна музликлар ҳосил бўлмасдан, балки уларнинг тоғ дараларида сақланаётган қисми ҳам камайиб бормоқда.

4. Тоғли минтақа иқлимий шароитида юз бераётган бу хил ҳолатлар тоғ дарёлари ва сойларнинг тўйинишига салбий таъсир кўрсатмоқда ва хаттоки, ўнлаб сойларнинг “яшовчанлиги”ни қисқартирмоқда.

Айни бир пайтда тоғ табиати ва иқлимий шароитида кузатилаётган бу хил салбий ҳолатлар тоғ дарёлари сувиға кескин камайишига олиб келмоқда. Бунинг оқибати эса мувозанати бузилган табиатнинг биздан “ўч олиши” билан тенгдир.

Шундай бир шароитда, дунёнинг тоғли минтақаларида бўлгани каби бизда ҳам “Тоғ дастури”ни ишлаб чиқиш ўта муҳим масаладир. Бизнинг фикримизча мамлакатимиз минтақалари учун алоҳида-алоҳида ишлаб чиқилиши лозим бўлган “Тоғ дастури”дан ҳудудлар шароитига кўра қўйидаги ҳаётий муҳим масалалар ўрин олмоғи лозим:

1. Вилоятлар ўрмон хўжалигини ривожлантириш орқали арчазор массивларини, улардаги арчалар сонини ҳисобга олиб чиқиш, уларнинг мавжуд сонини сақлаш маъсулиятини ошириш:

2. Арча кесишни қонун йўли билан таъқиқдаш. Ҳар бир кесилган арча дарахти учун кесувчидан, ҳамда ўрмон хўжалиги мутасади ходимидан катта жарима ундиришни белгилаб қўйиш:

3. Арчаси кесилиб бўлган тоғ ёнбағирларида ёш арча кўчатларини экиш ва парваришлашни йўлга қўйиш. Бунда хорижий мамалакатлар тажрибасини ўрганиб иш тутиши лозим. Масалап, Шотландияда (Англия) тоғларидаги қўлда экилган, 10, 20, 30 йиллик арчазорларни парваришдаги бой тажрибасини қўллаш:

4. Тоғли ҳудудлардаги қишлоқ хўжалик корхоналарида арча кўчати ва бошқа тоғ шароитига мослашган мевали дарахт кўчатлари етиштиришни йўлга қўйиш. Айни бир пайтда Жанубий Ўзбекистон иқлимий шароитига мослашган ва бу ерда яхши ҳосил берадиган писта ва бодом, дўлана ва олма, нок ва бўҳи, жийда ва ёнғоқзор майдонини кенгайтириб бериш:

5. Тоғли минтақада чорва молларининг боқишни тартибга солиш ва айрим ҳолатларда чеклаш:

6. Тоғларнинг сўлим табиатидаги манзарали жойларни “дам олиш минтақаси” ниқобида “кўли етган” ташкилотларга бўлиб беришни тўхтатиш ва бунга қарама-қарши ўлароқ тоғли ҳудудлар табиати (айниқса, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси)ни кўриқлаш мақсадида кўриқхоналар ва уларнинг бўлимларини очиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Ўз навбатида тоғ табиатига катта таъсир кўрсатиб келаётган тоғликлар турмуш шароитини ҳар жиҳатдан яхшилаб бориш масалалар ҳам дастурдан муносиб ўрин олмоғи лозим. Жумладан тоғликлар ёқилғи (ўтин) билан таъминлаш масаласининг дастурдан муносиб ўрин олишни белгилаб қўйиш. Шу тарзда тоғ аҳолисини табиий газ (ҳеч бўлмаганда балонли газ ёки кўмир) билан таъминлашни “Тоғ дастури” режасига киритмоқ зарур. Шундай қилинганда тоғларнинг яшил бойлигига қилинаётган аёвсиз „ҳужум“ларнинг олди олинар эди.

Хулоса

БМИ мавзуси юзасидан асосий хулосалар куйидагилар:

1. Тоғлар экологик, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, тарбиявий жиҳатдан ҳам юксак мавқега эга бўлган табиий географик объектдир.
2. Тоғ ва текисликлардаги геотизимлар ўзаро алоқа, таъсирда бўлиб, доимо биридаги ўзгариш иккинчисида намоён бўлиб боради.
3. Тоғлар ва тоғолди минтақалари беқиёс иқтисодий салоҳиятга эга бўлган ҳудудлардир.
4. Тоғлар сиёсий, ҳарбий ва миллий ғурур ва истехкомдир.
5. Тоғлар кўплаб нохуш табиий географик жараёнлар марказидир (зилзила, сурилма, сел ва ҳ.к.).
6. Тоғлар инсонга куч, ғурур, мардлик, поклик ва биродарлик бағишлайди.

Иш юзасидан таклифларимизнинг мазмуни куйидагича:

1. Тоғ ва текислик геотизимлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни назарда тутган ҳолда тоғ ва тоғолди геотизимларини муҳофаза қилишни такомиллаштириш лозим.
2. Тоғлар беқиёс иқтисодий салоҳиятга эга бўлганлигидан, унинг бойликларидан онгли – илмий тарзда фойдаланишги қатъий риоя қилиш даркор.
3. Тоғнинг рекреация имкониятлари чексизлигидан улардан рекреация сифатида фойдаланишда маълум чекловларини жорий этиш лозим. Масалан, тоғларда қурилаётган дала ҳовли ва бошқалар жой геотизимларига монанд бўлсин.
4. Тоғ ва тоғолди минтақаларида инсоннинг баъзи ишлаб чиқариш фаолиятларини чеклаш лозим (масалан, атмосфера ҳавоси, сув, тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот оламига салбий таъсир этувчи соҳаларни).

5. Ўзбекистонда барча тоғ ва тоғолди минтақаларни алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар тоифасига киритиш мақсадга мувофиқдир.

6. Тоғ ва тоғолди минтақаларидаги қишлоқ ва овулларни тўлиқ газлаштиришга эришиш, тоғ ўрмонларини кесилишини олдини олишини билган ҳолда, бу жараёни қисқа муддатда ниҳоясига етказиш шарт.

7. Кенг кўламли “Тоғ дастури”ни қабул қилиниши Ўзбекистон табиатидаги биологик хилма-хилликни ҳам сақлайди. Керак бўлса, Термиз Давлат университети профессори, география фанлари доктори, устозимиз, марҳум Абдумўмин Рўзиевнинг руҳларини ҳам биргаликда шод этган бўламиз. Чунки у инсоннинг дунёдан ўтиш олдидаги охирги сўзи ҳам “тоғ дастури” бўлганлигини республикадаги барча географлар ҳали унитганларича йўқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари:

1. Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида. 09.12.1992 й.
2. Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида. 06.05.1993 й.
3. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида. 26.12.1997 й.
4. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида. 26.12.1997 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. 08.07.1998 й.
6. Давлат ер кадастри тўғрисида. 28.08.1998 й.
7. Ўрмон тўғрисида. 14.04.1999 й.
8. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида. 03.12.2004 й.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:

9. Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида. ЎзР Президенти фармони. 21.10.2008 й.
10. Биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳаракатлар режаси ва стратегияси тўғрисида. ЎзР ВМ қарори. 01.04.1998 й.
11. Республика ўрмонларини ҳимоя қилиш бўйича баъзи меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида. ЎзР ВМ қарори. 22.11.1999 й.
12. Ер мониторинги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида. ЎзР ВМ қарори. 23.12.2000 й.
13. Ўзбекистон Республикасида ўрмонларни категориялар бўйича тақсимлашни тасдиқлаш тўғрисида. ЎзР ВМ қарори. 09.04.2001 й.
14. Угом-Чотқол Давлат Миллий табиат боғи тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида. ЎзР ВМ қарори. 26.06.2001 й.

15. Ўзбекистон Республикасида табиий тароф-муҳитнинг Давлат мониторинги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида. ЎзР ВМ қарори. 03.04.2002 й.

16. Чирчиқ, Оҳангарон, Соҳ, Чимён-Аввал ерости чучуқ сувлари конлари шаклланадиган ҳудудларига алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мақомини бериш. ЎзР ВМ қарори. 16.01.2002 й.

17. Сув тошқини ва сел оқимларини хавфсиз ўтказиш билан боғлиқ олдини олиш ва бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида. ЎзР ВМ қарори. 10.03.2004 й.

III. Ўзбекистон Республикасида Президенти асрлари ва нутқлари:

18. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. –Т.: Ўзбекистон, Т. 13, 2005.

19. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини катъийлик билан давом эттириш. ЎзР Президентининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурларимизнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь.

20. “2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурларимизнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси” //Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.

IV. Асосий адабиётлар:

21. Алимов Т.А., Рафиқов А.А. Экологик хатолик сабоқлари. Т.: Ўзбекистон, 1991.

22. Баратов П. Ўзбекистон табиий географияси. Т.: Ўқитувчи, 1996.

23. Булулуков Ю.Г. Горы и люди. Т.: Мехнат, 1986.

24. Жумаев Т. Горы Узбекистана: природа, хозяйство, отдых. Т.: Мехнат, 1989.

25. Назаров И.Қ. География фанининг асосий муаммолари. Т.: Мухаррир, 2013.

26. Хожиматов А.Н. Экологик мониторинг. Т.: Ёзувчилар уюшмаси, 2004.

V. Қўшимча адабиётлар:

27. Абдуназаров Ҳ. ва б. Тоғларнинг ижтимоий тараққиётидаги роли // Тоғ ва тоғолди ҳудудларидан фойдаланишнинг географик асослари. Т.: ЎзМУ, 2002, 141-142-б.

28. Алибеков Л.А. Тоғ ва текислик комплекслари тизимларини ўзаро боғлиқликда ўрганиш предмети ва услуби. // ЎзР. ГЖ VIIII съезди материаллари. –Т., 2006, 109-111-б.

29. Алибеков Л.А. Тоғ ва текислик ўртасида моддаларнинг айланиб юриш қонунияти ҳақида // ЎзР. ГЖ VIIII съезди материаллари. Т., 2006, 111-113-б.

30. Аманов Х. ва б. Тоғ ва тоғолди ҳудудларида қишлоқ хўжалиги // Манба № 27, 108-110-б.

31. Арапбоев Г. ва б. Ўзбекистон музликлари ва уларни ўрганиш // География ва табиий ресурслардан фойдаланиш. Т.: ЎзМУ, 2001, 128-130-б.

32. Болтаев М., Болтаева Л. Ўзбекистон тоғли ҳудудларининг дам олиш ресурслари ва улардан фойдаланиш // Манба, №27, 106-108-б.

33. Исаев А., Атажанов М. Тоғ ва тоғолди ҳудудларида инфраструктура тизимини ривожлантиришнинг айрим масалалари // Манба: №27, 51-53-б.

34. Маматов А.М. Ҳисор тоғлари баландлик ландшафт комплексларини муҳофаза қилишнинг долзарб масалалари // Манба: №31, 44-47-б.

35. Муратова Г.Х. Молгузар тизмасининг рекреация ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги аҳволи // Манба, № 28, 98-99-б.

36. Отақулов П., Холиқов Р. Фарғона вилояти ҳудудини рекреацион географик баҳолаш тамойиллари // Манба: № 27, 99-101-б.

37. Пардаев Ғ. ва б. Тоғ ва тоғолди табиатини ўрганишнинг баъзи бир томонлари // Манба: № 27, 2002. 23-25-б.

38. Рафиқов В.А. Тоғ ва тоғолди ҳудудларининг экологик-иқтисодий ривожланиши: муаммолар, ечимлар ва таклифлар // Манба: № 28, 96-98-б.

39. Рўзиев А.Н., Лапасова О. “Тоғ дастури” давр тақозаси // Манба: №31, 52-55-б.

40. Соатов А. ва б. Тоғ ва тоғолди текисликларининг ҳозирги геоморфологик муаммолари // Манба: №27, 27-29-б.

41. Солиев А. Тоғ минтақалирининг иқтисодий ва ижтимоий географияси // Манба: №27, 83-87-б.

42. Усмонов М. Самарқанд вилоятида тоғ туризмини ривожлантириш истиқболлари // Манба: №27, 117-119-б.

43. Ҳасанов И. Ўзбекистон ва тоғолди минтақаларида рўй берадиган табиий жараёнлар // Манба: №27, 13-15-б.

44. Ҳасанов И.А. ва б. Тошкент вилояти табиатининг рекреацион имкониятлари // Манба: № 28, 25-26-б.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар:

45. Дастурнинг асосий мақсади — халқ фаровонлигини янада юксалтириш // Халқ сўзи, 2013 йил 27 февраль.

46. Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида Миллий маъруза. Т.: Чинор ЭНК, 2006, 2008.

VII. Интернет сайтлари:

47. <http://www.murman.ru> (ecology) comitet

48. www.ecology.com.

49. www.esa.org.

50. www.envirolink.com.

51. www.ecology.info.

52. www.Feneralecology.com.

Ўзбекча-инглизча луғат

1. Аграр-agrarian
2. Кишлоқ хўжалиги-agriculture
3. Жойлашмоқ-allocation
4. Кирғоқ бўйи-along shore
5. ўраб турган-ambient
6. Йиллик-anniversary
7. ўрмон- хўжалиги-arboriculture
8. Майдон-area
9. Тасир кўрсатмоқ-ascendant
10. Туғилиш даражаси-birth rate
11. Тошкўмир-carboniferous
12. Марказ-centre
13. Карта-chart
14. Иқлим-climate
15. Кўмир-coal
16. Денгиз қирғоғи-coast
- 17.Шароит-condition
- 18.Кулай-conerinent
19. Миқдор-deal
20. Делта-delta
- 21.Ривожланиш-development
22. Географик ўрин-geographical place
23. Самарали-fruitly

- 24. Муоммолар-problems**
- 25. Мис-copper**
- 26. Олтин-gold**
- 27. Шахар-sity**
- 28. Кишлоқ-village**
- 29. Хўжалик-ekonomu**
- 30. Саноат-industary**
- 31. Дехқончилик-farming farm**
- 32. Эр-earth**
- 33. Жойлашув-disposal**
- 34. Корхона-enterprise**
- 35. Ишлаб чиқариш-fabrication**
- 36. Экспорт-export**
- 37. Импорт-import**
- 38. Омил-factor**
- 39. Чегара-frontier**
- 40. Фойда-gain**
- 41. Барқарор-stable**
- 42. Билим-knowledge**
- 43. Баҳо-price**
- 44. Дарс-lesson**
- 45. Жавоб-answer**
- 46. Худуд-border**
- 47. Компонент-compnent**

- 48. Кўргазмали-visual**
- 49. Мақсад-aim**
- 50. Мавзу-topic**
- 51. Океан-ocean**
- 52. Табиат-nature**
- 53.Савол-question**
- 54.ўсимлик-plan**
- 55.Аҳоли-inhabitants**
- 56.қарши-against**
- 57. Туризм-hiking**
- 58. Газ-gas**
- 59. Жануб-south**
- 60. Жануби ғарб-south west**
- 61. Жануби шарқ-south east**
- 62.қадимги-ancient**
- 63. Пойтахт-capital**
- 64. Куриқлик-land**
- 65. Раён-gis tract**
- 66. Республика-republic**
- 67.Вилоят-province**
- 68. Иқтисод-economy**
- 69. Мустақиллик-independence**
- 70. Иттифоқ-union**
- 71. Фирма-firm**

- 72. Менежмент-menejment**
- 73. Эҳтиёт-need**
- 74.Сиёсат-politecs**
- 75. Жаҳон-world**
- 76.Пўлат-steel**
- 77. Автомобил-car**
- 78. Кимёвий тола-chemecal fiber**
- 79.Дон-grain**
- 80. Гўшт-meat**
- 81. Маҳсулот-produc**
- 82. Рақобат-revalry**
- 83. Жаҳон бозори-worlds morket**
- 84.Пул-money**
- 85. Оқсил-acsia**
- 86. Даромад-forward**
- 87. Миллий иқтисодиёт-national politice**
- 88. Халқаро савдо-international frade**
- 89.Хокимият-government**
- 90. Рельеф-relief**
- 91.Об-хаво-weather**
- 92. Минтақа-zone**
- 93. Хайвонат дунёси-fauna**
- 94.Дашт-desert**
- 95.Дарё-river**

- 96. Баландлик-swight**
- 97.Атроф-мухит-environment**
- 98.Музлик-glacier**
- 99.Маданий-cultural**
- 100.Тоғ-mountain**